



Конунчиллик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

# Postmga

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ

12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри •


2003 йил 17 июль, пайшанба

• 29 (3505)-сон

Эл тинчлиги ва осойишталиги ҳар қандай жамият, давлат ўз олдига қўйган бирламчи вазифа бўлмоги даркор. Тинчлик-осойишталиктни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фақат ҳарбийлар ёки ҳуқуқ-тартибот ходимларининг вазифаси бўлмай, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг мұқаддас бурчига айланмоги лозим.

Куни кеча пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Санъат саройида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташабуси билан ташкил этилган шаҳар фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, маҳалла оқсоқоллари, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокидаги кенгайтирилган йигилиш айнан шу масалага бағишиланди.

## ОГОҲЛИК - МАСЪУЛИЯТДИР!



Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Абдусалом Азизов, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковники Зоиржон Алматов, Маданият ишлари вазири Баҳром Курбонов, республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси Аъзам Гадойбоев ва Тошкент шаҳар прокурори

Баҳриддин Валиевлар иштирок этишиди.

Тадбирни шаҳар ҳокими Р. Шоабдураҳмонов очиб, маъруза учун сўзни республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковники З. Алматовга берди. Маърузачи ўз нутқида йигилганлар эътиборини дунёдаги вазиятга, Юртбошимизинг мамлакатимиз, қолаверса, минтақамида тинч-

лик-осойишталиктни сақлаш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларига қаратди.

– Бугун янги ҳаёт, демократик жамият куриш йўлида қўлга киритаётган ютуқларимиз, амалга ошираётган ишларимизни кўра олмайдиган, юртимизга кўз олайтираётган қора кучлар ўз қабиҳ ниyatларидан ҳали ҳам қайтгандарни йўқ, – деди у. – Халқаро террорчи ва диний-экст-

ремистик ташкилотларнинг ёвуз қилмишларидан нафақат бизнинг ҳалқимиз жабрекди. Дунёга назар ташлайдиган бўлсак, улардан жабр кўрмаган ҳалқнинг ўзи йўқлигига амин бўламиз. Индонезияни оламизми, Филиппинни оламизми ёки АҚШни оламизми – ҳаммаси террорчилардан азият чеккан.

(Давоми 2-бетда).

## УСИНСНІ

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

+ **TV VOLAM**

«Postmga»  
gazetasining ilovasi

УШБУ СОНДА:

### ДОИМО ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК!

Агар ҳаммамиз бирлашиб, бир ёқадан бош чиқарив, юқоридаги тадбирларни тўлиқ амалга оширсак, ҳалқимиз, юртимиз ҳавфсизлиги таъминланади.

**2**

### НАЗОРАТНИ БЎШАШТИРМАЙМИЗ

Ҳар бир фуқаронинг ўзи ҳуашёр бўлмас экан, хотиржам яшай олмайди.

**3**

### «ШАҲИДЛАР» КИМЛАР?

Ислом дини ўз жонига қасд қилишни ҳам, бирорнинг жонига суиқасд қилишни ҳам қоралайди.

**4**

### ГИРДОБ

Харидорлари кўпайган сайн ҳамёни қаппаяётган нопок кимсалар янги мижозлар ахтарив, ёшларни ҳам оғу гирдобига тортаятилар. Улар туфайли бузилиб кетаётган не-не оиласлар, навқирон ёшини ҳазон қилаётган йигитлар ҳар лаҳзада барчани сергаклантириши лозим.

**15**

Ишнингдек, газетамиз саҳифаларида кроссвордлар, спорт хабарлари, криминал воқеалар ва бошқа материяллар билан танишасиз.

# ОГОХЛИК - МАСЪУЛИЯТДИР!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Узокка бориб ўтирасдан ён күшнимиз - Қирғизистонда содир этилган воқеаларни эслайлик. Жалолобод шаҳри ва вилояти ички ишлар идораларидан кўп миқдорда қурол-яроғ ва ўқ-дорилар олиб кетилди, Хитойга қатнайдиган, асосан уйурлардан иборат тижоратчилар тушган автобус портлатиб юборилди. Ёки шу йил июль ойида Москвада террорчилар қанчалаб бегуноҳ фуқароларнинг ҳәтига зомин бўлишиди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ёвузилик чегара билмайди, - деди маърузачи юқоридаги воқеаларни назарда тутиб.

Мамлакатимизда диний экстремизмга қарши кураш давом этапти. 2002 йилда у билан боғлик 200 дан зиёд жиноят фош этилди. Жиноятчилардан қурол-яроғ, ўқ-дори, портловчи моддалар ва конституцион тузумимизга қарши руҳдаги адабиётлар олинди.

Гиёхвандлик моддаларининг гайриқонуний савдоси билан боғлик жиноятлар ҳам осойишталика пуртуп етказувчи омиллардан биридир. Нотик кўнни Афғонистонда минглаб гектар ерга кўкнор ўсимлиги экилганини ҳам республикамиздаги вазиятга салбий таъсир кўрса-таётганини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга турли уйдирмаларга ишониб, Афғонистон худудига ўтиб кетган бир оила бошига тушган оғир мусибатни кўпчилик хукмига ҳавола этиди.

Аҳолини иш билан таъминлаш ҳам долзарб масалалардан биридир. Сўнгги пайтларда жой-

лардаги вақтинчалик иш билан таъминлаш марказларидан керакли ижтимоий ёрдам ололмаган 21 минг кишининг кўп қисми турли жиноят ва ҳукуқбузарликлар содир этгани кишини ўйлантириб кўяди. Мъирозачи маҳаллий ҳокимликлар кўшимча иш ўринлари яратишга жиддий киришишлари лозимлигини қайд этиб ўтди.

Жамиятимиз ҳаётида маҳалла, жамоат ташкилотларининг роли, ўрни тобора ошиб боряпти. Шу сабабли йигилишда кўтарилиган муаммоларни ҳал этишда улар билан ҳамкорлик килиш ютуклар граводир.

Диний-экстремистик оқимлар тарафдорларининг хатти-харакатларини фош этишда нотик фуқаролар йиғинлари раислари, масжидларининг имомлари, зиёлилар фаол қатнашишлари зарурлигини таъкидлadi. Бунинг учун оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш кераклигини айтди.

Аҳолининг ҳукукий онги, маданиятини ошириш мухим вазифадир. Одамлар жамиятга, мавжуд конституцион тузумга қарши жиноятлар учун қонунда қандай жавобгарлик кўзда тутилганини яхши билишлари керак. Аммо бундан ҳам мухимроғи, эл осойишталигини бузувчиларга, диний ақидапарастларга, бу оқимлар таъсирига бериладиганларга ту-

шунтиришдир. Ўзини маҳалла фаолиман деб ҳисоблаган киши диний ақидапарастлар билан якка тартибда тегишли тарбиявий ишлар олиб борса, самара бериши шубҳасиз. Бу борада корхона, ташкилот, мусассасалар раҳбарларининг ички ишлар идоралари билан ҳамкорлиги катта аҳамиятга эгадир.

Хотин-қизлар ўртасида ҳам турли зарарли диний оқимлар-



Юртимизда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлсин.

Кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиққанлар маъруза-чининг таклифларини кўллаб-куватлашиди, бу борада жойларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирдилар. Жумладан, пойтхатнинг Ҳамза тумани А. Назаров номли маҳалла оқсоқоли Собир Комилов шундай деди:

- Гиёхвандликнинг олдини олиш, ёшларни турли ёт оқимлар таъсиридан сақлаш, жазо

муддатини ўтаб келганлар билан мунтазам иш олиб бориша иччи ишлар, прокуратура ходимлари, имом-хатиблар ва кенг жамоатчиликка сунамиз. Осоишталикини саклашда бизга туман ИИБ профилактика инспектори Абдукарим Абдужалолов ҳамда маҳалла пошибонлари сардори Баҳром Раҳматовлар яқиндан ёрдам беришапти.

Шунинг учун ҳам маҳалламиз тинч ва обод. Бироқ биз юртимиздаги осойишталиқдан хотиржамлика берилишимиз керак эмас. Маҳаллага ким келяпти, ким кетяпти, холис назорат ўрнатишимиш лозим. Шунда ҳар қандай хавфнинг олди олинади.

Собир Раҳимов тумани "Корасарой" маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси раисаси X. Зокирова ҳамон юртдошларимиз орасида "сен менга тегма, мен сенга тегмай" қабилида иш тутаётгандар, боқимандалик кайфиятида юрганлар борлиги

ҳақида куюниб гапирди. У аёллар орасида фоҳишабозлик, гиёхвандлик, гиёхфурушлик ҳолатларига қарши муросасиз курашиш зарурлиги хусусда тұхтаби, жумладан шундай деди:

- Ўйлайманки, ҳар биримиз ўз вазифамизга сидкидилдан ёндашиб, содир бўлаётган кўнгилсиз воқеаларни таҳлил қилиб, сабабларини ўргансак, келажакда бундай ҳолатларнинг олдини олишга эришамиз. Агар нохушлик содир бўлиши мумкин бўлган оилани ўрганиб, тўғри йўл кўрсатсан, яна бир кўнгилсиз воқеа рўй бермайди. Бунга ҳар биримиз масъул бўлишимиз даркор.

А. Икромов тумани "Ватан" маҳалласи оқсоқоли Озод Ризаев ўз маҳалласида хушёрикни ошириш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапирди. Унинг сўзларидан шу нарса маълум бўйдик, ўн мингдан зиёд киши истиқомат қиладиган бу маскандаги биноларнинг чордок ва ертўлалари мунтазам кўздан кечириб турлидай, ҳар бир уй ва идорага ишонч телефонлари рақамлари ёзиб кўйилганлиги, маҳалла пошибонлари ички ишлар идоралари ходимларига профилактика ишларда яқиндан кўмаклашадиган ҳам яхши самара бераяти.

Тадбир иштирокчилари маъруза ва мунозараларни тинглаб, огохлик давр талаби эканлиги, эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида ҳамма масъуллигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиши. Бу борадаги келгуси вазифалар белгилаб олинди.

**Ўз мухбиризим.**

сида маҳаллий ҳокимият идоралари ва ички ишлар идоралари билан ҳамкорликни кучайтириш.

6. Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорлигини кучайтириб, уларнинг хушёригини ошириш, улуғ мутафаккирларимизнинг бебаҳо меросини халқимизга, ёшларимизга тушунарли қилиб етказиб беришимиш.

7. Республикаизда жиноятчилик содир этилишига асосий омиллардан бири бўлиб келаётган ишсизликни камайтириш мақсадида ҳокимият идоралари томонидан худудларда қўшимча иш жойларини ташкил қилиш асосий вазифалардан бири бўлиши керак.

Агар ҳаммамиз биралашиб, бир ёқадан бош чиқарип, юқоридаги тадбирларни тўлиқ амалга оширсан, халқимиз, юртимиз хавфсизлигини таъминланади.

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририяти.**

# ДОИМО ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК!

Шу йил 5 июль куни Москва шаҳрининг Түшино қисмидаги содир этилган террорчилик ҳаракати ҳамон ёвуз кучлар тинч аҳоли хавфсизлигига таҳдид солаётганини кўрсатди.

Хавфсизликка таҳдид деганда, биз авваламбор давлатга ташки ва ички томондан хавф солаётган турли экстремистик кучларнинг жиноий кирдикорларини назарда тутамиз.

Терроризм нечоғли хавфли эканлиги ва у чегара билмаслиги, бу иллатга қарши ҳамкорликда курашиш лозимлигини Президентимиз кўп марта таъкидлаганлар.

Жорий йилнинг май ойида Москва шаҳрида ўтказилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари саммити ва июль ойида Алматида бўлиб ўтган "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгшида ҳам Юртбошимиз асосий долзарб масалалардан бири деб,

терроризмга қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш деган шиорни олга сурди ва бу масала қабул қилинган ҳужжатларга киритилди.

Марказий Осиё минтақасида стратегик ўрин олган Ўзбекистон ҳалқаро террорчилик ташкилотларининг алоҳида қизиқув доирасида турибди. Ҳалқаро клерикал (диний) марказлар ва террорчилик ташкилотларининг етакчилари уларни кўллаб-куватлаб келаетган айrim ислом давлатларининг махсус хизматлари минтақамиздаги вазиятнинг барқарорлигини бузиш, яна қон тўкилишига олиб келишга унбўлган ҳаракатларни қалқа тушунтириш.

2. Диний ақидапарастлар томонидан оммавий тартиббузарликларни тарғиб қилувчи

ни, ўзинг асра!" ҳамда "Тинчлик учун курашмоқ керак!" деган шиорлар остидаги сайди-ҳаракатларимизни янада кучайтиришимиз лозим.

Ана шундай ҳолатларининг олдини олиш учун барчамиз биргаликда кўйидагиларни бажаришимиз зарур:

1. Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ижтимоий-иктисодий сиёсатнинг моҳияти ва бош мақсади фуқароларимизнинг тинчлиги ҳамда хотиржам турмуш тарзини таъминлашга қаратилганини, Президентимиз олиб бораётган ички ва ташки сиёсатнинг устувор йўналишларининг мазмунини, кундаклик иқтисодий қийинчиликларнинг ўткинчи эканлигини халқимизга, айниқса, ёшларга кенг тушунтириш.

2. Мамлакатларни олиш тадбирларини ўтказиб, ушбу мақсадда ҳокимликлар фуқаролар йиғинлари фаллари, давлат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда ҳалқ депутатлари билан ҳамкорликда меҳнат жамоалари ва ёшлар билан учрашувлар ташкил этиш. Бунда айниқса қишлоқ жойларида ўтказиладиган тадбирларга алоҳида эътибор бериш, диний ақидапарастларнинг асл нияти, уларнинг ортида турган қора кучлар, мамлакат барқарорлиги, ҳалқлар бирлиги, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларга зарба бериш мақсадида олиб борилаётган файриқонуний, миллатимиз манфаатига зид бўлган ҳаракатларни халқа тушунтириш.

3. Мамлакат оқсоқоллари профилактика инспекторлари билан биргаликда масжидларда учрашувлар ўтказиб, қарияларни

ҳаракатларни олиш тадбирларини ўтказиб, мактабларни тадбирларни ўтказиб, юртимизда ҳамма масъуллигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиши. Бу борадаги келгуси вазифалар белгилаб олинди.

4. Туар жойлар, маҳаллалар, меҳнат жамоатида ўтказиладиган барча учрашувлар, бевосита мулокотлар, турли кечалар ва йиғинларда аҳолининг фуқаролик бурчанини хис қилиш, мамлакатимиздаги барқарорлик ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳар бир фуқаронинг фаллигини ошириш, давлат ва жамият олдида мажбуриятларини бажариши бўйича ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришга эришиш.

5. Маҳаллалар, оммавий тадбирларни ўтказиб, юртимиздаги барқарорлик тадбирларни тўлиқ амалга оширсан, халқимиз, юртимиз хавфсизлигини таъминланади.

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририяти.**


«Фалла - 2003»

# ҮРİM ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Жиззах вилояти ичкі ишлар бошқармасы ходимлари бу йилги фалла үрим-йигимида жамоат хавфсизлигини сақлаш, мавсумга жалғыз транспорт воситалари қарата хавфсизлигини таъминлаш, фалла майдонлари ва қабул пунктларида ёнғиннинг олдини олиш учун астайдил қарата қилишмоқда.

Ходимлар томонидан мавсум бошидан бүён 24 та майда ташмачилик ҳолатлари аниқланиб, улардан 2,5 тоннага яқин фалла олинди да давлат омборларига топширилди. Бундан ташқари давлатта фалла сотиш шартномавий режаларни бажармай туриб, ҳосилни бошқа жойларга тұқиб олаёттан айрим фермерларнинг ножүя ҳаракатларига чек күйилмоқда.

Б. БАХОДИРОВ.



**Айни кунларда мамлакаттимизда фалла үрим-йигими қизгина давом этмоқда. Фалладан бүшаган майдонлар пешма-пеш ҳайдалиб, тақорий экинлар экиляпты. Айрим дала-ларда, шунингдек нохуш ҳолат ҳам содир бўлмоқда.**

Гап фалласи ўриб олинган майдонлар ёкиб юборилаётгани ҳақида бормоқда. Бунинг салбий оқибатлари ҳақида мутахассислар оммавий ахборот воситалари орқали кўп марта огохлантирилишига қарамай бу қоидабузарлик, афсуски учраб турибди. Нахотки, фермерлар, дехқонлар экин-тикин ишлари билан кўлдан бери шуғулланётгандарига қарамай далага ўт кўйилганда тупрокнинг унумли қатлами ўз хусусиятларини

## ЖАРИМА ҲОСИЛ ЎРНИНИ БОСМАЙДИ

ни йўқотиб, ҳосилдорлик пасайиб кетишини билишмаса. Россия үрмонларида содир бўлган ёнғиндан кейин у жойларда бир неча йилгача дараҳт тутул, ўт-ўлан ҳам ўсмаслиги аниқ далил-ку. Ундан ташқари экологияга салбий тасирини ҳам унумаслик керак. Ёкиб юборилган майдон четидаги дараҳтлар оловдан куриб қолади, тутуни эса атроф-муҳитни заҳарлаб, фуқаролар соғлиғига зарар етади.

Шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтамиз. Андижон вилояти Марҳамат туманинага "Марҳамат" ширкат ҳавфсизлигидан 0,5 га фалласи ўрталган майдон ёкиб юборил-

ди. Жиззах вилояти Зафарбод тумани "Паригам" фермер ҳўжалигида буғдойдан бүшаган 1 гектар майдон ёш боланинг олов ўйнаши оқибатида ёниб кетган. Фарғона вилояти Олтиариқ тумани "Итифоқ" ширкат ҳўжалиги бригада бошлиғи X. Ҳамрохонов 2,5 гектар, шу тумандаги A. Навоий номли ширкат ҳўжалиги бригада бошлиғи I. Нуриддинов 1,5 гектар ҳосилдан бүшаган майдон ёкиб юборилишига ўт кўйган 1800 нафарга яқин раҳбар ва жавобгар шахсларга нисбатан 6,5 миллион сўмдан ортиқ жарима солиниб, унинг бир қисми ундириб олинди.

Анкянган ҳар бир қоидабузарликлар учун айбор шахсларга нисбатан тегишили чоралар кўриляпти. Умуман ўрим-йигим даври бошлангандан бүён, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига эътибор бермаган, ҳосилдан бүшаган майдонларни ёкиб юборилишига ўт кўйган 1800 нафарга яқин раҳбар ва жавобгар шахсларга нисбатан 6,5 миллион сўмдан ортиқ жарима солиниб, унинг бир қисми ундириб олинди.

Албатта, жарима солиш ёки уни тўлаш билан ёнғин хавфсизлигига кафолат берабер бўлмайди ёки ёниб кетган қоидаларда ҳосил унумдорлиги ошиб қолмайди. Амалдаги қонун ва қоидалар аввало, инсон ҳәётининг хавфсизлигини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қиласди.

Д. ҚАМБАРОВ,  
ички хизмат катта лейтенанти.

## ИИВ «ФАЛЛА - 2003» ТЕЗКОР ШТАБИ ҲАБАРЛАРИ

Ш. Элбоев номли жамоа ширкат ҳўжалиги омбор мудири F. Ғулом ўзига ишониб топширилган буғдойнинг 6000 килосини ҳайдовчи O. Каҳрамон билан ўмарига келишади. Иккевон "КамАЗ - 5511" русумли автомашинада донни Янгибог қишлоғига яшовчи T. Абдураҳмоннинг уйига олиб бориб 300.000 сўмга сотишганда Шаҳрисабз тумани ИИВ ҳамда вилоят ИИБ тогли худуд ЖҚБ ходимлари томонидан қўлга олиндилар.

Бекобод тумани «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги Бог кўчасида яшовчи ота-бала T. Хайрулло ва T. Ҳабибуллар ўзаро жиноий тил биринтиришиди. Улар жамоа ҳўжалиги даласидан 1700 килограмм буғдойни "ЗИЛ-130" русумли автомашинага ортиб, ўғирлаб кетишаётганда милиция ходимлари томонидан ушландилар. 30 қоп дон далилий ашё сифатида олинди.

Андижон вилояти ИИВ ходимлари олиб борган тезкор тадбирлар натижасида "Булоқбоши-162" автокорхонаси ҳайдовчisi Ю. Акрамжон ушланди. У "ЗИЛ-130" русумли автомашинасида A. Навоий номли ширкат ҳўжалиги дала майдонидан ўтишириб олинган 4000 килограмм буғдойни дон қабул қилиш корхонасида олиб бориш ўрнига фуқаро У. Расулнинг уйига тўкаётганда ҳуқук-тартиби посбонлари томонидан ушбу қонунбузарлик фош этилди.

14 июль куни соат 19:50да Самарқанд вилояти Ургут тумани МТП акциядорлик жамиятига қарашли "КЕЙС - 2116" русумли комбайнда ёнғин содир бўлди. Операторлар X. Боймурот ва O. Умурзок бошқарувидаги ушбу комбайн Самарқанддан Жиззах вилояти Янгибод туманига ҳашарга келган бўлиб, ҳодиса натижасида иккита орқа ва битта олди гидрираги, кабина, гидравлика қисми ёниб зааралланган. Ёнғин генератор қисмидаги носозлик оқибатида келиб чиқсан, деган тахминлар айтилмоқда.

Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Каттатурк жамоа ҳўжалиги ҳудудида жойлашган "Алломиш" давлат фермерлар ҳўжалиги раиси Ж. Бахтиёрнинг фалла ўрталган майдонида ёнғин содир бўлди. Масъулиятсизликка йўл кўйган Ж. Бахтиёрға 5440 сўм миқдорда жарима солинди.

Д. ХОЛМУҲАМЕДОВ,  
ички хизмат капитанти.

## НАЗОРАТИ БЎШАШТИРМАЙМИЗ

**Москвада содир этилган навбатдаги террорчилик ҳаркатларидан ҳабар топиб ғазабландик. Кўплаб бегуноҳ қишиларнинг қурбон бўлишига олиб келган бу хурож афсуски ягона эмас. Ер юзининг яна бир қатор жойларидан ҳам ана шундай қонли воқеаларнинг содир бўлаётгани ачинарли ҳол, албатта. Буларнинг барчаси ҳар биримизни янада хушёр бўлишига унайди.**

Хозирда жамиятимизга ёт бўлган турли оқимлар, кўпорувчилик кайфиятидаги кимсалар таъсирига тушиб қолғанлар ормизда йўқ деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Шунинг учун ҳам доим хушёр ва теварак-атрофга эътиборли бўлишимиз зарур. Кўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширадиган шахслар асосан фуқаролар гавжум бўладиган жойларни таънилашади. Бу билан имкони борича кўпроқ курбонлар бўлишига интиладилар.

Куни кече Алишер Навоий номли Санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири З. Алматовнинг пойтахт махалла, корхона, ташкилотлар вакиллари, ички ишлар идоралари ходимлари билан шуғулланадиган фуқароларимизнинг тинч ва тутув яшашига учун аввало маҳалла осойиша бўлиши керак. Бунинг учун факат маҳалла оқсоқолио, профилактика инспектори жон куйдирса бўлди, дейдиганларга «Ўз ўйингни ўзинг асра» шиорининг мағзини чакиб тушунириб қўйдик. Ҳар бир фуқаронинг ўзи хушёр бўлмас экан, хотиржам яшай олмайди.

Маҳаллани кече-кундуз назорат қилинши ўйлга қўйганимиз. Бозор яқин бўлгани учун, ҳар хил сабаб ба баҳоналар билан маҳалла кириб келувчилар кўп. Улар-

дан кўз-кулоқ бўлиб турни лозим, албатта. Шунинг учун доимий рашида паспорт тизими қоидаларига амал қилинишини текшириб боряпмиз. Бунда маҳалла фаоллари ва маҳалла посбонларининг хизмати катта бўляпти. Ўн бир нафар маҳалла посбони навбати

фаолларимиздан A. Мўминов, A. Валижонов, Г. Назарова, З. Пирмуҳамедова, посбонлардан A. Бузруков, Б. Мирзаев, Б. Одиловларнинг ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ҳўжа Ахор валий жоме масжиди ҳам доимо ибодат қилувчилар



билан худудни айланиб, келиб кетувчиларни назорат қилишади. Айниқса тунги текширувга алоҳида эътибор беряпмиз. Ҳар бир кўча, бино ва уйлар кўздан кечирилади. Шунингдек, маҳалламиздаги мавжуд кўп қаватли биноларнинг ертўлалари, чордоклар ва машина гаражлари профилактика инспекторлари иштироқида яна бир бор текшириб чиқилди. Чордоклар ва ертўлалар кўлфланиб, уларни вақти-вақти билан назорат қилиб турни учун масъул кишилар тайинланган. Маҳаллада амалга оширилаётган ишларда

билан гавжум. Айниқса, жума куни пойтахтдан ташқари вилоятлар ва кўшини республикалардан ҳам келиб номоз ўшишади. Шуни хисобга олиб масжид фаоллари билан биргаликда бу ерда ва Кўкалдош ислом коллежида назорат қилишни йўлга қўйганимиз.

Бозор энг гавжум жой. Шу боис доимий текширув ўтказиб турни талаб этади. Гарчи бозор маъмуриятни, ички ишлар хизмати ходимлари билан аввалдан тузилган режа ва тадбирлар асосида бутун худуд керакли даражада назорат қилинаётган бўлса-да, Москвада

ги воқеалардан кейин яна бир марта кенгашиб олдик. Эндиликда худудга хизмат қилаётган олти нафар профилактика инспекторлари ва патруль-пост хизмати ходимларидан ташқари туман ИИБ раҳбарияти яна қўшимча ходимлар ажратиб, бозор назоратни кучайтиришга кўмак беряпти. Биз кўпроқ жамоатчиликка таянаётганимизни айтиб ўтдим. Ҳозирги кунда савдо расталарида хизмат қиласди гапчалик, фаррошлар, лаборатория ходимлари, солик инспекторларини ҳам жалб этганимиз. Ҳар қандай шубҳаланган бўюмлар ва шахслар хақида тезда милиция ходимларини хабардор қилишади.

Шу ўринда ички ишлар ходимларининг хизматини айтиб ўтиш жоиз. Айниқса, профилактика инспекторларидан милиция катта лейтенантлари У. Очилов, А. Машуров ва бошқалар маҳалла посбонлари ва фаолларига йўл-йўриқлар кўрсатиб, жойларни назорат қилиш усулларини ўргатиб боришилти.

Яратган ҳам ўзини асраган кишини асрайман деган. Модомики шундай экан, ҳар биримиз ўз ўйимизни ўзимиз асрарни ўрганишишмиз керак. Маҳалла фуқаролари ва бозорда савдо-сотик билан шуғулланётган, харидорлар, меҳмонларга бу шиорнинг туб мөхиятини тушунириш учун бор имкониятларни ишга солишга ҳаракат қиляпмиз.

**Эргаш ОДИЛОВ,**  
Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги "Гулбозор" маҳалласи оқсоқоли.

**Суратда:** туман ИИБ профилактика инспекторлари, милиция катта лейтенантлари У. Очилов ва А. Машуровлар бозорда тадбиркорлар билан сувбатлашишти.

**А. КЕНЖАЕВ олган сурат.**

Миллат ва чегара билмас оғат



## ШАХИДЛАР НИМЛАР?

**УЛАР НЕГА ЎЛИМДАН ҚЎРҚИШМАЙДИ?**

Исройлда, Россияда "шахидлар" деб аталаётган кишилар ўзларини портлатиб кўплаб тинч, бегуноҳ фуқароларнинг ўлимига, оғир жароҳат олишига сабаб бўлаяпти. Хўш, шахидлар кимлар ўзи? Улар ўлимдан қўрқишишмайдими? Шу ва шунга ўхашаш саволлар газетхонларимизни қизиқтируса керак. Қўйида Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги диний бирлашмалар билан ҳамкорлик бўйича Кенгаш аъзоси, шарқшунос Александр Игнатенконинг "Комсомольская правда" газетаси мухбари билан мазкур мавзуга бағишланган сұхбатини ёътиборингизга ҳавола қиласми.

— Ислом дини кишининг ўз жонига қасд қилишини тақиқламайдими?

— Ислом дини ўз жонига қасд қилишни ҳам, биронинг жонига суиқасд қилишни ҳам қоралайди.

— "Шахидлар"ни қаерда, қандай қилиб тайёрлашади?

— Бу ҳам бир саноат соҳасига ўхшаб кетади. Одамларни бир худудда танлаб олишади, бошқа жойда ўргатишади, учинчи бир жойда ишга солишади. Одатда "шахидлар" давлат назорати бўшашибан ёки умуман бўлмаган худудларда тайёрланади. Масалан, Афғонистон, Ироқ, Судан мамлакатлари ана шулар сирасига киради. Тайёрланган "шахид" худди ёғланиб, кутига солиб кўйилган минага ўхшайди. Зарурат туғисла уни оғир ишлатверишади. Хуллас,

унинг иктиёри раҳномалири қўлида.

— Террорчи "шахидлар" ўз жонларига қасд қилиш олдидан гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилишадими?

— Бўлажак "шахид" атрофидагиларда шубҳа уйғотиши керак эмас. У қаҳважона ёки одамлар тўплана-диган бошқа жамоат жойларига ҳеч кимнинг диккатини тортмасдан, бемалол кира олиши лозим. Агар одам гиёҳванд, банди бўлса, ўзини табии туттиши қийин. Бўлажак "шахидлар" билан уламолар тарбиявий иш оғир борадилар, уларни шахид бўлгач тўғри жаннатга тушишларига вайда берадилар. Руҳшунослар эса портлаш пайти қаттиқ оғирлик сезмасликларига, факат укол қилингандай бўлишига ишонтирадилар.

— Наҳотки "шахидлар" асло қўрқишишмаса?

— Ваҳҳобийлар одатда бўлажак "шахидлар" гурухига бир-бирларини танидиган одамларни ийғишиди. Улар бир-бирларини руҳан кўллаб-куватлашади.

Тирик қолган бир араб террорчи куйидагиларни гапириб берди: бўлажак "шахидлар"ни руҳан тайёрлаш даврида унга дағн қилиш маросимини кўрсатишиди. Ўзи шундай иззатикром билан дағн этилишини кўриб киши руҳланиб кетади. Сўнг бўлажак "шахид" нима мақсадда ўз жонини курбон қилаётгани ҳакидаги нутқини видеотасмага ёздиради, видолашув мактуби ёзади. Бевосита режасини амалга оширишдан аввал ўзини поклайди. Бу маросимларнинг барчаси қишини ўзини курбон қилишга руҳан тайёрлади.

## ТЕРРОРЧИ АЁЛЛАРНИ

### ОЛОМОН ОРАСИДАН ҚАНДАЙ АЖРАТИШ МУМКИН?

Россия Федерацияси ИИВ тезкор ходимларининг фикрича, террорчи аёллар доим ҳам қора кийим кияверишишади. Улар худди ҳамма шаҳарликларга ўхшаб кийиниши мумкин. Масалан, "шахидлар"нинг эгнида шим бўлиши ҳеч ажабланарни ҳол эмас. Бурјомчилар террорчилик ҳаракати олдидан улар шундай кийим Аллоҳга макбул деб тушунишишади.

"Шахидлар" албатта кавказлик аёл бўлиши шарт эмас. Улар славянларга ман-

суб бўлиши ҳам мумкин. Юқоридаги маслаҳатларни умумлаштирадиган бўлсан:

1. Оломон орасига сукулиб киришга фаол ҳаракат қилаётган;

2. Кориниҳоятда қаппайган (белига портловчи моддаларни боғлаб олган бўлиши мумкин);

3. Ўзини бесаранжон тутаётган (доимо чор-атрофга аланглайверадиган) аёлларга алоҳида ёътибор бериш керак.

ремистик гурухи раҳбарларидан бўлган Рудуван Исломудин деган қишидан олган экан. Мазкур гурух "Ал-Қоида" ташкилоти билан алоқадорликда гумон қилинади.

Москвадаги "Норд-Ост" театр марказида маҳсус бўлинмалар террорчиларни зарарлизлантириш тадбирини ўтказмагандан, ўта аянчли воқеа юз бериши мумкин эди. Маҳсус операция ўтказилганидан кейин бинодан 16 дона Ф – 1 жанговар гранатаси, 89 та кўлбала граната топилди. Зал марказида

## МОСКВА КЎЧАЛАРИДА НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛАДИМИ?

Россия Федерацияси Ички ишлар вазири Борис Гризов террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш борасида кўрсатма берди.

Кўчаларда формада юрган милиционерлар сони ортади. Ҳусусан, оммавий тадбирлар чоғида. Улар сафида отлиқ милиционерлар, кинологлар (хизмат итлари билан) ҳам бўлади. Патруллар тез-тез хужжатларни текширишади.

Бозорларга, савдо мажмуаларига, кинотеатрлар ва касалхоналарга алоҳида

эътибор берилади. Чордоқлар ва ертўлалар яна бир бор кўздан кечирилади. Шаҳар ҳокимлиги вакиллари бу ишларда кўмаклашишга ҳеч бўлмаганда шубҳали шахслар ҳақида тегишили идораларга хабар қилишга чакиришмоқчи. Милиция эса ҳужжат текшириш ва кўздан кечириш масалаларига аҳоли

тўғри ёндашишидан умид қиляпти.

Шаҳарга кираверишдаги ва йирик магистраллардаги йўл ҳаракати хавфсизлиги постлари кучайтирилди. Энди инспекторлар машиналарни тез-тез тўхтатишлари мумкин. Шубҳа туғисла машиналар ҳам, уларнинг ҳайдовчилари ҳам тезкор ҳисобот маълумотлари (милициянинг жиноятчилар, гумонланувчилар ва қидирилаётганлар ҳақидаги компьютер маълумотлари базаси) бўйича текширилади.

## ИННАНИНГ ТАНАСИДАН 11 ТА ОСКОЛКА ОЛИШДИ

— Оламнинг танасидан 11 та осколка олишид, — дейди Иннанинг укаси Андрей. — Бунинг учун ким жавоб беради? Ким!?

— Иннушка ўқиши, кучизларга ёрдам беришни яхши кўрарди, шифокор бўлишни жуда хоҳларди, — дея ҳикоя қилади Иннанинг отаси Владимир Галкин. — Тибиёт билим юртини имтиёзли диплом билан тугаллади. Тибиёт Академиясига ўқишига кирди.

— Ишлашга ҳам улгуради, — "уҳ" тортиб сұхбатга қўшилди Иннанинг онаси. — "Тез ёрдам" марказида фельдшер бўлиб ишларди. Кечки сменадан кейин эрталаб дарсга югуради. Кўни-кўшнилардан дўст ортиришга ҳам вақти йўқ эди. Ўқишу ишдан ортасди. Концертга ҳам ишхонасидаги



ўртоқлари билан борган эди. Дўсти, фельдшер Дима Аксёнов ҳам яраланди.

Портлашдан кейин омон қолган дўстлари Иннушканинг тепасидан кетишимади. Дори-дармон топиб беришиди, қон топширишиди. Бош шифокор Леон Акопов ҳам кўлидан келган барча ишни қилди. Аммо Иннанинг юраги дош беролмади...



## ЛЕНОЧКА, ҚИЗГИНАМ!

21 ёшли Лена Косенко Тушинодаги террорчилик ҳаракати чоғида ҳалок бўлди...

...Қабристонга Москва шаҳри ҳукумати ажратган оқ "Икарус" ва "Пазик" кириб келди. Кора кийинган ўнлаб одамлар тобут ортидан тизилишиди.

— Ҳакиқий мустақил ҳаётга эндиғина қадам кўйган инсон оламдан ўтди, — дея сўз бошлади кекса киши. — Бугун биз келажагимиз вакилини дағн этяпмиз. Унинг қадам товушларини ота-онаси ҳеч қачон эшитмайди.

— Леночка эндиғина Москва Давлат матбаа университетини тутагтан эди, — дейди унинг дугоналаридан Оқиўклигини кўриб енгил тортган эдим. Кейин билсан...

— Лена жудаям очиқ кўнгил, хушумомала қиз эди, — эслайди курсдоши Сергей. Тобутни секин қабрга кўйишиди. Қабристон жимлигини ғамбода онанинг фарёди бузди:

— Леночка, қизгинам!..

жасида иккى киши ҳалок бўлди. Караби мамлакатнинг энг йирик шаҳри бўлиб, этник, диний ва сиёсий қарама-қаршиликларининг ҳам маркази ҳисобланади. Ҳозирча кўпорувчиликни ҳеч ким ўз зиммасига олгани йўк.

Филиппининг жанубида жойлашган Коронадал шаҳридаги бозорда рўй берган портлаш оқибатида олти киши ҳалок бўлди, камидга 20 киши жароҳат олди. Ҳозирча жавобгарликни ҳеч ким ўз бўйнига олмади. Май ойида шу бозорда "Абу Сайёф" экстремистик гурухи ташкил этган террорчилик ҳаракати оқибатида 13 киши ҳалок бўлди.



Бали оролидаги ҳалокат.

## ЁВУЗЛИКНИНГ ҚОНЛИ ИЗЛАРИ

Ўтган йили 12 октябрда Индонезиянинг Бали оролида содир этилган террорчилик ҳаракати оқибатида 200 га якни киши ҳалок бўлган эди. Бомба тунги клуб яқинидаги "Жип" машинаси ичига ўрнатилган бўлиб, портлаш натижасида шу мавзеда жойлашган 20 та бино заарланади.

Террорчилик ҳаракатининг боз ташкилотчиси 35 ёшли Имом Самудро 2002 йил ноябрь ойида кўлга олинди. У кўпорувчиликни тайёрлаш ҳақидаги бўйрукни "Жамоаи Исломия" экст-

ремистик гурухи раҳбарларидан бўлган Рудуван Исломудин деган қишидан олган экан. Мазкур гурух "Ал-Қоида" ташкилоти билан алоқадорликда гумон қилинади.

Москвадаги "Норд-Ост" театр марказида маҳсус бўлинмалар террорчиларни зарарлизлантириш тадбирини ўтказмагандан, ўта аянчли воқеа юз бериши мумкин эди. Маҳсус операция ўтказилганидан кейин бинодан 16 дона Ф – 1 жанговар гранатаси, 89 та кўлбала граната топилди. Зал марказида


Саҳифа хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

# UCHINCHI TV VOLAM

«Постма» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

## Фаройибот



Гапирудчи тўти ёки майнанинг учраши кўпчиликка маълум. Аммо мутахассисларнинг фикрича, бу қушлар ўзлари айтган сўзларнинг маъносини тушунишмайди. Шунинг учун ҳам баъзан уй эгалари гапдон паррандалари туфайли ноқулай аҳволга тушиб қолишади. Дейлик, хонадонингизга меҳмон келди. Тўтингиз эса: "Сенга кўзимиз учуб турувди", - деса бўладими.

Хуллас, сўзамол тўтилар бунгига кунда ҳеч кимни ҳайратга солмайди. Аммо яқинда АҚШда балиқнинг тилга киргани катта шов-шувга сабаб бўлди.

Бундай ҳоллар илгари ҳам учраган. Масалан, Ботир лақабли филни олайлик. Қозоғистондаги ҳайвонот боғида сақланган бу жонивор 1977 йилдан машҳур бўлиб кетди. Одамлар уни кўриш, гапларини эшитиш учун чор-атрофдан ёғилиб кела бошлидилар. Фил: "Ботир яхши", "Ботир оч", "Ботир чанқади" каби жумлаларни айтади. Қозоғтилида, албатта. 1980 йилда у ҳақда Қозоғистон радиоси эшитириш берди. 1983 йилга келиб фил айтадиган жумлалар сони 20 тага етди. Болаларнинг севимли эркаторига айланган "Ботир" 1993 йилда Қарағандадаги ҳайвонот боғида ўлди.

1978 йили Уганда мамлакатида пайдо бўлган тошбақа ҳам дунёга машҳур бўлиб кетди. Ўша пайлар Африкадаги бу давлатни бошқарган Амин ўз ҳукмронлиги даврида 300.000 кишини қатл эттирган эди. Кўплаб одамлар мамлакатдан қувғини олмаган.

Шундай қалтис пайтда қандайдир бир тошбақа маҳаллий полиция идорасига имиллаб кириб келади. Унга тил-забон битиб, губернатор ёки полиция комиссари билан учрашиши лозимлиги, етказадиган муҳим ҳабари борлингини айтади. Тез орада бу ҳабар мамлакат президентига даҳлдор деган гап-сўзлар тарқалди. Охири Аминнинг шахсан ўзи матбуот анжумани ўтказиб, бундай бўлмагур мишишларни тарқатувчilar шафқатсиз жазоланиши ҳақида огоҳлантирилди. Орадан бир йил ўтиб у ҳокимиятдан ағдарилди.

Умуман, африкаликлар ҳар хил ноҳуш ҳабарларни одамларга айнан ҳайвонлар етказишига ишонишади. 1992 йил июнида Уганда давлат радиостанцияси ... эчки ОИТС касаллиги авж олишини айтганлиги ҳақида ҳабар берди. Къябагала қишлоғи аҳли-



## БАЛИК... ТИЛГА КИРДИ

нинг ҳикоя қилишича, эчки ниҳоятда баланд, кўрқинчли овозда гапирган ва бир неча соатдан сўнг... жон берган.

1999 йили Уганда билан че-гарадош Кенияда 72 ёшли подачи Винсент Овандо Льеч пода боқиб юрганди. У сигирлардан бири устида китоб ушлаб турган фариштани кўради. Кейин фаришта кўздан ғойиб бўлди, китоб эса қолди. Уни очишганда сигир тилга кириб: "Сизлар янги черков куришларингиз лозим. Кейин бизни огоҳлантиришмади, деб ўтирумангар", - деган. Гапирудчи сигирнинг сўзини икки қилишга ҳеч ким ботина олмаган.

Аммо гарчи сўзларнинг маъносини тушунишмаса-да, тилсиз жониворлар гапиришининг ўзи кўпчиликни ҳайратга солиши табиий. Туркия телевидениеси 1993 йилда "Лўли" лақабли гапирудчи мушукни намойиш этди. Мушук турк тилида камиди еттига сўз ва жумлани, яна бир нечта аёл исмими айта оларди.

АҚШнинг Арканзас штатилик "Генри" лақабли хўроздан ҳам сўзамолроқ чиқиб қолди. Фермер уни бозордан сотиб олиб келганида хўрозд товуқлардан кўра одамларга яқинроқ юришга интилишини, гапиришга ҳаракат қилиб ғулдиришини сезиб қолди. Бора-бора хўрозвойнинг гап-сўзи аниқлаша бошлади. Масалан, у дабдурустдан "Ишлар қалай?" ёки "Бугун ҳаво исиб кетдими?" - деб юборарди.



тини ўрганиш учун маҳсус эксперлар гурухи тузилди. Тождор полвон ҳам қарздор бўлиб қолмади - ўзининг луғат бойлигини 240 та сўзга етказди.

Русларда "Балиқ каби гунг" деган ибора бор. Ҳақиқатан ҳам, балиқни овоз чиқармайди, деб ҳисоблашади. Ваҳоланки, улар ҳам гапиришар экан.

Ўтган йили таиландлик 55 ёшли Сари Хантаникорн окун балиғини тутиб олди. У бир қарашдаёқ ўлжаси хосиятлигини сезган экан. Балиқнинг боши арслоннинг калласига ўхшаб кетар, жабра тешиклари умуман бекилмас, бунинг усти-

га мўйлови ҳам бор эди: Хантаникорн балиқни сув тўлдирилган бакка солиб қўйди.

Бир кун кечаси тўлин ой осмонда кезиб юрган палла Сари кимлардир фўнгир-фўнгир гаплашганини эшигади. "Ким экан деб ўрнимдан туриб ҳамма ёқса қараб чиқдим. Бочкадаги сув юзида турган икки балиқдан бошқа ҳеч жонзотга кўзим тушмади. Ухлагани ётсам яна ғалати овоз эшитилди", - деди у.

Кўркиб кетган балиқчи авлиёларга атаб муқаддас шам ёқиб, ибодат қила бошлаган. Бу ёрдам берди, шекилли, балиқлар жимиб қолишиди. Ўшандан буён ҳар гал ой тўлганда у шам ёқади. Мабодо бу одати ёдидан кўтарилса, яна балиқлар тилга киради.

2003 йилда Нью-Йоркда ҳам шунга ўхшаш мўъжиза юз берди - карп тилга кири! Аммо у

"томи кетиб", эси оғиб қолибди, деб ўйлади. Фақат ўзи келиб кўрибгина бунга амин бўлди.

Нью-Йоркда бу ҳақда радио орқали ҳам хабар тарқатиши. Гувоҳларнинг ҳикоя қилишарича, мўъжиза 28 январь куни соат 16.00да юз берган. Луис Нивело тирик карпнинг сув тўлдирилган тогорадан олган. Уни тозалаб, майдаламоқчи бўлганида, балиқ оғзини очиб ... гапирган. Гапиргангина эмас, бақирган!


Розенning айтишича, балиқ "Ҳар ким ўзи, ўз руҳи ҳақида қайгуриши лозим. Охират замон яқин", - деган мазмунда гапирган эмиш.

Карп Розенга ихлос билан ибодат қилишни, Тавротни кунт билан ўрганишни буюрган. Залмен ваҳимага тушиб, балиқни чопиб ташламоқчи бўлган. Аммо карп кўлидан сирғалиб тогора га тушган. Розен бармогини кесиб олиб, касалхонага ётқизилган.

Луис Нивело балиқни тутиб олиб, бўлаклаб тезда сотиб юборган. У чин насроний сифатида бу мўъжизани нопок кучларнинг найранги деб ҳисоблаган.

Албатта, юқоридаги мўъжи-заларга ишониш-ишонмаслик ҳар кимнинг ўз ихтиёри. Аммо сўнгти пайтларда Ерда жиддий ўзгаришлар бўлаётгани, сайёраплар қувват майдонидаги силжишлар одамларнинг экстра-сенслик қобилиятини кучайтираётгани ҳақида кўп ёзишти. Шунинг учун ҳам сеҳграрлар, башоратчилар, мўъжизакор табиблар сони ортятти. Аналилек 24 ёшли қиз бир соат ичидан дунёнинг 120 тилида гапирганига нима дейсиз? Улар ичиди ти-лини билмасди. Шунинг учун ҳеч нимага тушунмади, кўркиб кетиб хўжайининг олдига югуриб борди. Луис яхудий тили билмасди. Шунинг учун ҳеч нимага тушунмади, кўркиб кетиб хўжайининг олдига югуриб борди. Розен аввалига ёрдамчимнинг

Хориж матбуоти  
материаллари асосида  
тайёрланди.



## Хосиятсиз жойлар

Пуэрто-Рико ахолиси оролнинг шарқий чеккасини хосиятсиз жой деб ҳисобладиди. Ла-Мина, Эль-Верде, Эль-Торо, Лос-Пикачос каби оролларда ҳам ана шундай худо урган жойлар бор. Бу ҳудудларнинг умумий, ўшаша хусусияти ҳар кеча тоғларда ўзидан нур таратувчи сирли жисмларнинг пайдо бўлишидир. Маҳаллий халқ уларни жодугарларнинг машъали деб атайди. Ороллик қарияларнинг айтишича, бу оловлар дастлаб XX аср бошларида пайдо бўлган. Ўшанда уларни кузатиш туб жой ахолиси учун ягона кўнгил очар машгулот ҳисобланган.

**ЭЛЬ-ЮНК ТИЛСИМИ**

Айниқса, Пуэрто-Рико тоғлари сир-асрорга тўла. Бу ерда мана неча асрлардан бўён вақти-вақти билан тури ёшдаги одамлар сирли равишда гойиб бўлишади.

1965 йилда Кагуас қишлоғида яшовчи қизалоқ Мария Эстер мактаб ҳовлисида сайр этиб юриб йўқолиб қолди. Қидибувлар натижада бермади. Ўша машъум кун у билан бирга айланиб юрган қизлардан бири 2000 йилга келиб, яъни ўрта ёшлардаги аёл бўлганида дугонаси ни кўк коржома кийган икки киши олиб кетишганини айтди. Гувоҳ қичқирмоқчи бўлганида нотаниш кишилар унга "Жим юрмасанг сени ҳам олиб кетамиз", – деб дўйк уришган. Ҳатто уни тутиб олишмоқчи ҳам бўлишган. Аммо қизча қочишига ултурган.

1973 йил 25 июляда етти яшар, малла сочли, зангори кўзли Антонио Алемар исмли болакай ҳам Эль-Юнк тоғлари этагида сирли вазиятда гойиб бўлди. У отонаси билан дам олгани борган. Оила аъзолари бир тош уйга жойлашишган. Бола катталардан бирраса айланиб келишга рухсат сўрайди ва шу кетганча қайтиб келмайди. Полиция ва фуқаро мудофааси кучлари



# УЛАРНИ ҚАЙТИБ ҲЕЧ КИМ КЎРМАДИ

бир неча ҳафта мобайнинда қидибув ишлари олиб борди. Аммо барча саъй-харакатлар зое кетди. 1961-1978 йиллар оралиғида Эль-Юнкда 36 нафар боланинг йўқолгани расман қайд этилган. Рўйхатга тушмагани қанча экан?!

## **МАШИНА ОЛДИДАГИ МАХЛУК**

Жаноб Хозе Алемар хотини Анна ва қизи билан фермер қариндошларини киши мөхмонга боришидди. Мехмондорчилик тугагач Анна Алемар ва қизи машинага кириб ўтириди. Машинанинг эшигini бекитишиди, ойнасини кўтаришиди. Хозе эса дарвоза олдида мезбонлар билан хайрлашаётган эди. Шу пайт аёл автомобилнинг чап томонидан эрининг: "Анна, бу менман, эшикни очиб юбор", – деганини эшилди. Аммо қизи қичқириб юборди: "Ойижон, уни қаранг!" Анна ҳайдовчининг ойнасига ташқаридан энгашиб турган ғалати махлуқни кўриб қўрқиб кетди. Махлуқнинг олдойнага кўйган кўли уч бармоқли бўлиб, худди товукнинг панжасига ўхшарди. Номаълум мавжудотнинг калласи тухумсимон, кулоклари учли, кўзлари катта-катта, коп-кора эди.

Она-бала ўлгудай кўрқиб кетишиди, қий-чув кўтариб, басма-басига сигнални босишиди. Алемар билан қариндошлари машина ёнига юргиб келишганида махлуқ кўздан фойиб бўлганди.

## **ФОЙИБ БЎЛГАН АСКАРЛАР**

1976 йилда АҚШ Ҳарбий дengiz кучларининг Сейб базасидан (Пуэрто-Рико оролнинг шарқий чеккаси, Эль-Юнк тоги яқинидаги) икки нафар офицер йўқолди. Бу ҳақда маҳаллий "Эль-Восеро" газетасининг 1976 йил 2 марта сонида хабар босилди.

Сўнгги йилларда тадқиқотчилар Эль-Юнк тогининг ўрмонзор этакларида одамлар йўқолганини ҳақида кўшимча кўплаб маълумотлар тўпладилар. Улар тўплаган маълумотлар ичida орол ахолисининг қўрқинчи, бирбирига зид, НУЖлар ва келгингилар билан боғлиқ гуваҳликлари учрайди. Ишончли манбалардан маълум бўлишича, Эль-Юнкда фойиб бўлган аскарлар Вьетнам урушида бедарак йўқолган деб қайд этиб қўйилган эди. Ҳарбийлар нега атайлаб бундай соҳтакорликка йўл кўйишиди? Буни қўйидаги воқеа маълум даражада изоҳласа керак.

## **РАМОН КВИНЬОНЕС**

### **КАЕРДА?**

Хозир Нью-Йоркда яшайди Ирма Отис 1967 йилда Пуэрто-Рикодаги коллежда ўқириди. У курсдошлари ва икки профессор билан Эль-Юнк атрофида ўкув экспедициясида қатнашиди. Ирма бу тоғ чўққисидан астрономик кузаутувлар олиб бориши, ушбу ҳудудда НУЖ бўлган бўлмаганини аниқлашни тида эди. Профессорлардан бири тез орада ҳамкаси Гонсалесни ёлғиз қолдириб кетиб қолди.

Икки кундан кейин кечга якин талабалар чодир тикишиди, қалин ўрмонзорда гулхан ёкишиди. Ҳамма гулхан атрофида ўтириб гитара оҳанглари остида қўшиқ айта бошлишиди. Шу пайт тўсатдан баланд гулдираш бошланиб, ўн беш дақиқалар давом этди. Сўнг яна жимлик чўқди, ёшлар қўшиқларини қолган жойидан давом эттиришиди. Орадан бир оз вақт ўтиб ҳазон билан кўмилган сўқмоқда қадам товушлари эшитилди. Ўша томондан ўзидан ёруғлик таратадиган шарпа кўзга ташланди. Профессор Гонсалес билан талаба Рамон нима гаплигини билиш учун ўша ёққа қараб кетишиди. Рамон негадир гитарасини ҳам олди.

## **Миш-мишми ёки ҳақиқат?**

# ЯНА БИР Даъвогар

собиқ ҳамшира собиқ Президентни айблаяпти

тон Жуанита Броаддини зўрлаб номусига теккан эмиш.

Умуман, бу гап-сўз чиққанига тўрт йил бўлди. Жуанита ўнча пайтдан бўён терговчилар ва телепротёрларга дардини достон қиляпти.

Клинтон ўшанда штат губернатори лавозими учун сайлов кампаниясини бошлаган. Жуанита ва унинг дугонаси Келсини мөхмонхонада учратиб қолган. Уларга кампанияда иштирок этишини так-

лиф этган. Аёллар, бажонидил рози бўлишган. Чунки уларга ўш прокурор ёкиб қолган. Ўша пайт 25 ёшли Жуанита келишган, гўзал бўлган. Ҳозир анча қариб қолган, албатта. Аммо Моника Левинскининг Билл билан судлашиб, каттагина пул ундиригани ўнга ҳеч тинчлик бермаяпти.

Фақат Жуанитага учча ишонишмаяпти. Сабаби, ўша пайтлари ўзи ҳам юмшоқ қилиб айтганда тинч юрмаган. Бироннинг

никоҳида бўлишига қарамай, бошқаси билан ҳам дон олишиб юрган. Охири ўша бошқаси билан кетиб қолган.

Яна бир сабаби, Жуанита 1994 йилда прокурор Кеннет Старрга берган кўрсатмасида, Арканзас штати губернатори ўзини зўрлаганини қатъян рад этган эди. Орадан йиллар ўтиб ўз кўрсатмасини тескарисига айлантириб туриди.

Энди унинг дугонаси Норма Келси ҳам Жуани-

танинг даъвосини тасдиқлаяпти. У Деневр радиостанциясида берган интервьюсида шу ҳақда гапириди.

Норманинг сўзида қараганда, ўшанда Клинтон гаплашиб олиш учун уларни кабинетига тақлиф қилган. Келси ҳамширалар семинарига кетган. Дугонаси эса Билл билан учрашувга борган. "Семинардан келганимда, дугонам мөхмонхонадаги бўлмамизда бир ахводда ўтиради. Қонталаш,



шишган лабига латта босарди. Нима бўлганини сўраганимда Билл ўни зўрлаганини айтди", – деди собиқ ҳамшира радиостанцияга берган интервьюсида.

**Хориж матбуоти  
материаллари ососида  
тайёрланди.**



АҚШда мамлакатнинг собиқ Президенти Билл Клинтон билан боғлиқ яна бир жанжал пишиб этиляпти, шекилли. Собиқ ҳамшира Норма Келсининг айтишича, бундан чорак аср муқаддам Арканзас штатининг прокурори бўлган Клин-

ДУШАНБА,

21

**ЎзТВ - I**

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
8.00-8.45 "Тахлинома".  
Ковун. Ярамас. Масъулият. Бадай тўқай. Маҳтал. Ошик. Ҳеч. Анвур. Гумон. Мужмал. Плуг. Тихир. Ганж. Игир. Тушум. Нигоҳ. Нақ. Мано. Ҳисоб. Имин. Ҳосил. Лойик. Ада. Етук. Нилам. Ўлат. Сотим. Ножӯя. Чиребон. Зап. Орол. Ила. Ини. Лазер. Солиҳ. Холос. Чакирик. Тиш. Рубоб. Хитоб. Ҳатиб. Нола. Илик. Фаламис. Билак. Ҳаёттир. Филай. Болалар. Билим. Тилак. Шева. Босим. Ҳид. Тон. Бел. Ҳил. Тивит. Бетараф. Ҳона. Шароб. Тоҳ. Табиб. Бежирим. Шинам. Шератон. Бадал. Ҳина. Отар. Малик. Изен. Зена. Чек. Замон. Ҳос. Қратер. Аза. Никоҳ. Зобит. Варақ. Нишаб. Нав. Кладохора. Аарат. Назир. Мовут. Сара. Кимоно. Оломон. Сора. Фин. Лугат. Газак. Шағик. Нух. Гули. Гуна. Арок. Қази. Угра. Агат. Рак. Гит. Туз. Гаранг. Ма. Нари. Озор. Номданак. Тўкима. Жўка. Жалб. Сўға. Борт. Жига. Ҳажр. Финт. Ҳона. Қатл. Лола. Вақт. Таъм. Давр. Миср. Донг. Сабо. Чанг. Барг. Чўян. Бўрк.

# СПОРТ+ФУТБОЛ



**Б**окс – мамлакатамида юкори даражада ривожланган спорт турларидан. Ўзбекистонлик боксчилар дунё спортида ўз ўрни, мавқе ва обрўига эга. Чунки ҳалқаро майдонда кўлга киритилган энг нуфузли ютуқларимизнинг аксарияти айнан боксчиларимиз меҳнати, маҳорати, ғалабалари самарасидир. Хусусан, спорт оламида энг нуфузли саналган ёзи Олимпиада ўйинларидаги дастлабки олтин медаль ҳам боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаевга тегиши.

Бугунги кунда Ўзбекистон номи Куба, АҚШ, Россия каби бокс тараққий этган мамлакатлар сафида зикр этилмоқда. Ҳаваскорлар боксида Осиёда бизнисиларга тенг келадигани йўк.

Истиқолол йилларида иккичи йўниш - профессионал бокс жадал ривожланна бошлади. Бу йўлда ўзига яраша натижаларга ҳам эришил-



қодир рақибининг бу усулига қарши ажойиб тактика кўллади. У ташаббусни ўз томонига оғдиригач, рақибни ринг бурчагига қисиб кўйишга муваффақ бўлди. Бунинг оқибатида Биковский бир неча кучли зарбаларни ўтказиб юборди. Кескин ва муросасиз баҳс 8:6 хисобда галаба қозонганини этироф этиши.

Финалдаги жанг ҳам анча томошабол кечди. Муҳаммадқодир Абдуллаев американлик ашаддий рақиби Ричард Уильямсга қарши рингга кўтарилиди. Бу боксчилар 1999 йили АҚШнинг Хьюстон шаҳрида бўлган жаҳон чемпионатидан медалсиз кайтиди. 1995 йили Германиядаги жаҳон чемпионатидан биринчи учрашувдаёт маглубиятга учради.

Муҳаммадқодир бундан тушкунликка тушмади. Аксинча, машгулотларда кўпроқ тер

хаваскор боксчилар орасида ўз вазн тоифасида дунёда тенгиз бўлган М.Абдуллаев 2001 йилнинг апрелида профессионал боксчидаги биринчи жангни ўтказди. Сидней Олимпиадаси чемпиони АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида оғирлиги 63,5 килограмм бўлган американлик Маан Вашингтонга қарши рингга кўтарилиди. Жангни бошқарган ҳакамлар бир овоздан ўзбекистонлик профессионал боксчи 40:36 хисобда галаба қозонганини этироф этиши.

Муҳаммадқодирнинг профессионал боксчидаги фаолиятида яна бир аҳамиятли воқеа 2001 йил 21 сентябрь куни рўй берди. У ўз юртида, мухлислари кўз ўнгига рингга кўтарилиди. Бу боксчилар 1999 йили АҚШнинг Хьюстон шаҳрида бўлган жаҳон чемпионатидан медалсиз кайтиди. Ушандага рақибини ёнгтан ўзбекистонлик чарм кўлқоп устаси жаҳон чемпионатигина кўлга киритган.

Олимпиада финалида Ричард Уильямс ўша мағлубият аламини олишга ҳаракат килиди. Муҳаммадқодир сингари

хар икки кўлида кучли ва аник зарба бериши мумкин бўлган американлик боксчи ярим финалда кубалик Луно Диогеносни 42:40 хисобда енгиг, финалдаги рақибини ҳам мағлублар қаторига кўшиб кўйиши бўлди. Лекин Муҳаммадқодир Абдуллаев рақибига нисбатан жисмоний тайёр гарликка зўр берди. Жанг чоғида бу ўз самарасини берди ва ҳамюртимиз 27:20 хисобда американлик боксчи устидан галаба қозонди ҳамда мамлакатимиз терма жамоаси газнасига биринчи олтин медални келтирди.

Хаваскор боксчилар орзу қиласа арзидиган барча титулларга эришган Муҳаммадқодир Абдуллаев Олимпиада чемпионатигина ўнг юксак шараф хисобланарди. 2000 йили Сиднейда ўтказилган Олимпиада ўйинларида унинг орзуши ушади.

“Сидней-2000” рингларида

Муҳаммадқодир Абдуллаев жуда чиройли жангларни ўтказди.

У барчага нималарга қодирлигини кўрсатиб кўйди.

Айнукса, унинг чорак финалдаги белоруслик рақиби Биковскийни қийин жангда енгигани мутахассислар томонидан юкори баҳоланди.

Чунки белоруслик боксчи анча тажрибали, техника ва тактикада ҳамюртимиздан қолишмас эди.

Қолаверса, Биковский ринг марказида ўрнашиб олса, у бакувват ва чакон сўёклари, аниқ ва кучли зарбалари эвазига рақиби устидан осонгина галаба қозониши мумкин эди.

Муҳаммадқодир Абдуллаев

бизнисменни ўтказилган

Олимпиада

## Янгиликлар, хабарлар, воқеалар

# «ЖАР»ДА ЎҚУВ-СЕМИНАР

ИИВ «Жар» спорт ва соғломлаштириш мажмуда Ўзбекистон давлат мусасасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигига ўқув-семинари ўтказилди. Семинарда Қорақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ бошлиқларининг ўринbosарлари, касаба уюшма қўмиталари раислари, ҳукуқшунослар, кадрлар билан ишлаш хизмати ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирни Республика Ички ишлар вазирининг ўринbosари, милиция полковники X. Зокиров кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

ИИВ ШТБИХ бошлигининг ўринbosари, милиция подполковники Н. Расулов вазирлик томонидан ишчи-ходимларининг ижтимоий-иктисодий

ва ҳукуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида маъруза қилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси кенгаши меҳнат-кашларни ижтимоий-иктисодий манфаатларини ҳимоя килиш бўйимининг мудири М. Иссаевнинг «Ижтимоий ше-

риклик тамойиллари, жамоа шартномалари ва битимлари тўғрисида»ги маърузаси катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон давлат мусасасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси X. Жалилова йигилганлар томонидан тушган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Тадбирда ИИВ тегишли бошқармаларнинг бошлиқлари ҳам иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз.

## КИЧИК МУТАХАССИСЛАР МАКТАБИ

Бундан 11 йил мұқаддам республика ИИВ Ички қўшинлари тезкор ҳарбий жамоаси базасида ўқув ҳарбий қисми ташкил этилган эди. Вазирлик тизимида ўтказилаётган испоҳотлар билан боғлиқ ҳолда 1999 йил априлида у Ички қўшинлари Бош бошқармаси ўқув марказига айлантирилди. Ўтган вақт ичидан бу ерда Ички ва Қоровул қўшинлари учун 10 мингдан зиёд кичик командирлар ва мутахассислар етказиб берилди.

Ҳарбий ҳаётни яхши билмайдиган киши ёш йигит армияга чақирилдими, орши-туриш, отишни ўргатишса бўлди – хизмат қилиб кетаверади, деб ўйлаши мумкин. Ваҳоланки, ҳар қандай ҳарбий бўлинма бутун бошли мураккаб хўжаликдек гап. Унга алоқачи, БТР ҳайдовчиси, сапёр, хизмат ити ўргатувчи-си керак, борингки уста мерган ҳам керак. Хуллас, бу рўйхатни яна давом этириш мумкин. Ана шу мутахассисларнинг барчаси мазкур ўқув марказида тайёрланади. Бунинг учун барча шароритлар мавжуд. Maxsus ўқув синфлари зарур кўргазмали воситалар билан жиҳозланган.

Ўқув маркази моддий-техника базаси замон талабларидан асло орқада



қолмаслиги лозим. Акс ҳолда бу тайёрланадиган кадрлар сифатига салбий таъсир кўрсатади.

– Таълим жараённида курсантларимиз замонавий, жойлардаги ҳарбий бўлинмаларга ҳали етиб бормаган ёки энди-энди берилаётган қурол-аслаҳалар, алоқа ва муҳандислик-техник қўриклиш воситаларини ҳам ўрганишади, – дейди ўқув маркази бўлинма командири, капитан Алишер Абдулсамадов.

Ўқув маркази бошлиғи, подполковник Ш. Чиналиев раҳбарлиги остида шахсий таркибининг яшаш шароитини яхшилаш, ҳарбий шаҳарча худудини ободонлаштириш борасида ҳам кўп ишлар қўлиниятти.

Энг муҳими, бу ерда бўлажак сержантлар ва мутахассисларга юксак малакали, тажрибали устозлар таълим беришади. Улар ўзларидан олдингиз авлодлар аънаналарини давом этириб, бойитиб келишяяти.

Ўқув маркази жамоасини байрамлари билан кутлаш учун ИИВ ИКББ, ҚҚББ, ҳарбий жамоалардан келган вакиллар, фахрийлар ўз табрик сўзларида буни алоҳида таъкидлашди. Тадбир сўнгиди санъаткорлар иштироқида концерт намойиш этилди, спорт байрами бўлиб ўтди.

Бобомурод ТОШЕВ.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Б. ОСТРОВЕРХОВ олган сурат.

## Маърифат дарси

## ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ ВА ХИЗМАТ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Янги қонун Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий ҳарбий мажбуриятни бажариши ва ҳарбий хизматни ўтаси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Шу ўринда фуқароларимизга ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизматнинг нима эканлигини тушуништириб ўтиш жоиз. Умумий ҳарбий мажбурият деганда фуқароларининг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш учун мажбурий ҳарбий тайёргарликка эга бўлишлари лозимигини тушунишни керак.

Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳарбий хизматга чақириш, чақирив ёки кон-

тракт бўйича ҳарбий хизмат ўтаси, резервдаги хизматни, мўқобил хизматни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этиши, фавқулодда вазиятларда ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз бўлган тақдирда аҳолини мудо-фаза этиши тадбир-чораларини қамраб олади.

Ҳарбий хизмат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни ба-

жарис борасидаги давлат хизматининг алоҳида туридир.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматнинг куйидаги турлари жорий этилди:

– муддатли ҳарбий хизмат;

– сафарбарлик чақириви резервидаги ҳарбий хизмат;

– контракт бўйича ҳарбий хизмат;

– республика Қуролли Кучларида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати;

Ҳарбий хизматта, шунингдек, сафарбарлик чақириви резервидаги хизматта ўн саккиз ёшдан йигирма этии ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўтаси яроқли эрқак фуқаролар чақириладилар.

Контракт бўйича ҳар-

бий хизмат Қуролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматта ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар орқали давлат билан тузиладиган контрактга биноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат туридир.

Ҳарбий хизматни касб тариқасида танлаган фуқаролар контракт бўйича ҳарбий хизматни одий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида ўтайдилар.

Резервчилар хизмати ҳақиқий ҳарбий хизматни, шунингдек сафарбарлик чақириви резервидаги хизматни ўтаган одий аскарлар, сержантлар ва офицерлар жумласидан бўлган ҳарбий хизматта мажбурулар учун Қуролли Кучларнинг қўшилмалари

## Навбатчилик қисми хабарлари

### «ТИКО» ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Ҳозирги кунда киракашлик орқасидан рўзгор тебрататётган, ҳатто анча-мунча даромад кўраётганлар ҳам бор. «Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич!» деган экан машойихлар. Ишнинг кўзини билганларнинг омадини берсин. Фақат улар ҳеч қачон эҳтиёткорликни кўлдан бермасликлари керак.

Андижон вилояти Олтинкўл туманилик А. Асқаров ҳам ўзининг «Тико»сида киракашлик қиласиди. Июнь ойининг охирларида Наманган вилоятининг Ҳаққулобод шаҳарасида машинасига иккى йўловчи ўтириди. Йўлда улардан бири тушиб қоладиган бўлди. А. Асқаров пастга тушиб, у билан ҳисоб-китоб қилаётганда, иккинчи йўловчи «Тико»ни ҳайдаб қочди. Яқинда избосканлик бу «шоввозд» қўлга олindi. «Тико» техник соз ҳолатда эгасига қайтарилди

### КАЗЗОБ ЎФИЛ

Чирчиқ шаҳридан оқиб ўтувчи Захариқ каналидан 60-65 ёшлардаги аёлнинг қопга солинган жасади (белидан юқори қисми) топилган эди. Жасаднинг қолган қисми шу шаҳардаги Й. Охунбобоев кўчасида жойлашган уйлардан бирининг орқа томонидаги ариқдан топилди. Марҳуманинг шахси аниқланди. Қотилликни аёлнинг ўғли билан келини содир этган экан.

### СУВ БАЛОСИ

Ота-боболаримиз «ут балосидан, сув балосидан, тухмат балосидан ўзинг асрар!» деб бежиз айтишмаган. Сўнгти пайтларда чўмилиш ҷоғида сувга гарк бўлаётган фуқаролар сони ортиб боряпти.

Наманган вилояти Косонсою туманилик Т. Ботирхон уйи олдидағи Чуст каналида чўмилаётib чўкиб кетган. Тошкент вилояти Зангигита туманилик О. Азим ўғли О. Раҳим билан эҳтиётсизлик орқасида Рамадон каналига чўкиб кетгандар.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Хулоса эса битта: сув балосидан эҳтиёт бўлиш керак.

### БОЛТА КЎТАРГАН БОЗОРБОЙ

Бағдод туманилик Ҳ. Бозорбой уйида қайнонаси билан жанжаллашиб қолди. Жаҳл устида унинг бошига болта билан урди. Жаҳлдор куёвни тинчлантироқчи бўлган қўшини аёлнинг бошига ҳам силтган болта тегди. Натижада қайнона касалхонада, қўшини аёл эса воқеа жойида ва-фот этишиди.

ри, қисмлари ва бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириш, шунингдек уруш даври тақозо этилган тузилмаларни кучайтириши мақсадида умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этиладиган ҳарбий хизмат туридир.

Муқобил хизмат фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришининг чақирив бўйича ҳарбий хизмат иктиносидёт, ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида кам малака талаб этиладиган ишларни, шунингдек фалокатлар, ҳалокатлар, табии оғатлар ва башка фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиши ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган алоҳида туридир.

Муқобил хизматнинг муддати йигирма тўрт ойни, олий маълумотли фуқаролар учун эса ўн саккиз ойни ташкил этиди.

Хукм ўқилди

# КОТИЛДИК

**Эндиғина 19 баҳорни қаршилаган**  
**Муродбек (исмлар ўзгартырıldı) Тошкент шаҳрида ишлашни ихтиёр этди.**  
**Гапга чечанлиги боисданми, муроди ҳосил бўлиши узоқ кечмади. Миробод туманидаги биллиард клубида ишлай бошлади. Орадан бир йил ўтмай ҳамашари Элбек ҳам шу ниятда Тошкентга келиб, Муродга учрашди. Мурод уни ҳам, сўнг Маратни ҳам ўз ишхонасига жойлаштируди.**

7 март куни соат 19.00 лар атрофиди Мурод, Марат ва Элбек биллиард клуби ёнида туришган эди. Велосипед ҳайдаб келаётган 20 ёшлар атрофидаги йигит улардан 30 қадамлар нарида асфальтга қулади. У ўрнидан қўзғалмаётганини кўрган “уч оғайнин ботирлар” зудлик билан етиб келишди. Йиқилган кишини хушсиз кўриб, бир-бирларига қараб қолишиди.

— Наҳот, велосипеддан йиқилиб ҳам одам ўлса? — таажжубланди Элбек.

— Ўлмаган, ҳушидан кетган, шекилли. Йиқилганда боши тошга теккана ўхшайди, — деди Марат унга жавобан.

— Хўш, энди нима қилдик?

Элбек ва Марат елка кисиб Муроднинг ўзидан жавоб кутгандек қараб қолишиди.

— Бўлар иш бўлди, — деди Мурод орадаги жимликини бўлиб. — Велосипеди тузук экан. Бу ишга аралашиб балога қолгандан кўра, шуни олиб жуфтакни ростлаб қолган маъкулми, дейман.

— Милицияга ёки “Тез ёрдам”га хабар берсак бўларми? — деди Элбек.

— Ортиқча ташвишнинг нима кераги бор? — Марат эътироz билдириди. — Муроднинг гапида жон бор.

Мурод велосипедни ташларидан бирининг уйида қолдирди. Элбек ва Марат Андижонга жўнаб кетишиди.

Тез орада велосипедни яшириб келган Мурод ҳеч нарса кўрмагандек, яна ўша атрофда вазиятни зимдан кузатди. Соат 20.00 ларда Владимир исмли таниши келиб қолди ва ҳол-аҳвол сўрашни қисқа қилиб, йўл четида бир киши ёттанини айтди:

— Кийинишидан туппа-тузук одамга ўхшайди. Ёнини титиб кўрсан бирор арзигулик нарса чиқиб қолар.

Мурод Владимиринг таклифига кўниб, орқасидан эргашди.

Велосипеддан қулаган киши эндиғина ўзига кела бошлаган экан, бироқ гапиришга, ҳаракатланишга ҳоли йўқ эди. Унинг ёнида турган қора сумкани кўрган икки ҳамтовоқ ўзаро кўз уриширишиди.

— Ҳар ҳолда, ўлжа ёмон бўлмаса керак, — деди Владимир. — Бироқ эгасини тинчтимасак бўлмайди.

Владимир ерда ётган кишининг бошига, юзига тепа кетди. Мурод ҳам ундан баттар кутуриб, ваҳший шеригига ёрдамлашди. Тўғри келган жойига урди, тепди...

— Етар, — деди Влади-

мир. — Юр, ўлжани бўлишамиз.

Икковлон биллиард клуби ҳовлисига ўтишиди. Сумкада спорт кийими, тенис ракеткаси, сочик, велосипед камераси, сумкача, чарм ҳамён, 400 сўм пул бор экан. Ҳаммасини ўзаро бўлиб олишида жуфтакни ростлашиди.

Бироқ бузоқнинг юргани сомонхонагача. Тез орада ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан уларнинг қилмишлари фош этиди. Суд ҳукмига кўра Мурод 17 йилга, Владимир 16 йилга, Марат ва Элбек эса ҳар бири беш йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Жазо тайинланганда уларнинг муқаддам судланмагани, ёш эканлиги ва бошқа жиҳатлари инобатга олинди. Акс ҳолда, бу муддатлар янада узаниши турган гап эди.

Мурод эндиғина 21, Владимир 20, Марат 22, Элбек эса 24 баҳорни қаршилаганди. Ҳўш, уларни бундай ишга кўл уришларига нима мажбур этди? Ёрдамга муҳтоҷ одамни талашдан ортиқ шармандалик бормикин дунёда? Бунга ҳам қаноат қилмай, унинг жонига қасд қилишга қайси вижданлашри йўл берди?

**Абдураҳим ХАЛИЛОВ,**  
милиция майори.

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Андижон вилояти Улуғнор тумани ИИБ томонидан 1984 йилда туғилган Зафарбек Комилжонович ЎРМОНОВ қидирилмоқда. Улуғнор тумани “Улуғнор” ширкатлар уюшмаси Тўрттол қишлоғида яшаган. 2003 йил 23 апрель куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 175 см, юзи юмалок, сочи, кўзи, қоши қора, ўртача гавдали.

**Алоҳида белгиси:** чап қўлининг суюги синиб, қийшиқ битган.

**Кийимлари:** эгнида қора-қўкимтир свитер, тўқ кўк рангли жинси шим, оёғида қора туфли бўлган.

**З. Ўрмоновни кўрган ёки қаердалигини билгандардан яқин орадаги милиция бўлимига ёхуд Улуғнор тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.**




## БОЛАЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Фарғона вилояти ИИБ Кўқон шаҳар вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига келтирилган икки нафар ўғил боланинг отонаси ва қариндошлари қидирилмоқда.

Исмини “Миша” деб айтган биринчи бола тахминан 13-15 ёшларда. “Па-па” деб айтгани ҳам тахминан шу ёшларда.

Ҳар иккала бола руҳий касал бўлгани сабабли, Кўқон шаҳрида 2-руҳий касалликлар шифононасига ётқизилган. Улар ўзлари, ота-оналари, яшаш жойлари ҳақида маълумот бера олмайдилар.

**Болаларнинг ота-онаси ёки яқинлари** Кўқон шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ёки Кўқон шаҳар 2-руҳий касалликлар шифононасига мурожаат этишлари мумкин.



Тошкент вилояти ИИБ ҲООБга қарашли вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2003 йил 10 июль куни Паркент тумани ИИБ ходимлари томонидан дайидиб юрган, тахминан 15-16 ёшлардаги ақли заиф бола келтирилган. Унинг айтишича, исми **Баҳодир**, отасининг исми Мираъзам, онасининг исми Раъно. Яшаш жойи ва ота-онаси ҳақида бошқа маълумот беролмади.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, ўртача гавдали, юзи чўзикрок, киррабурун, лаби дўрдоқ, кўзи жигарранг, сочи қора.

**Кийимлари:** эгнида жигарранг футболка, яшил шортик, оёғида жигарранг шилпак бор.

**Алоҳида белгиси:** кўлининг билак қисмида 3-4 см катталикда чандиқ бор.

**Болаланинг ота-онаси ёки яқинлари** Янгийўл шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин.

## ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар ИИБ томонидан “Чинобод” нефть базасида ишлаб, жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрган қўйидаги фуқаролар қидирилмоқда:

**Акром Жамолович ИСЛОМОВ.** 1953 йилда туғилган. Юнусобод тумани З. Жамолов кўчаси 7- уйда яшаган.



**Улуғбек Файзуллаевич АБДУЛЛАЕВ.** 1966 йилда туғилган. Шайхонтохур тумани “Марказ -13” мавзеси 20-уй 32 - хонадонда яшаган.



**Рустам Аъзамхонович ТЎРАХОНОВ.** 1968 йилда туғилган. Шайхонтохур тумани “Марказ -14” мавзеси 17-уй 18-хонадонда яшаган.



**Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билгандардан яқин орадаги милиция бўлимига ёхуд Тошкент шаҳар ИИБга хабар беришларини сўраймиз.**



**Каравотда ўтириб эримнинг аҳволига қараймай. У полда чўчқадай ўз пешобига буланиб ётиби. Вақти-вақти билан қайтиклияяпти. Бир пайтлари қандай норғул, келишган йигит эди. Бир қарашида юрагимдан урганди. Ҳозир-чи, ҳозир?**

У амаллаб эмаклаб карвотга чиқди. Алланималар деб гулдираб ухлаб қолди. Енгилторгандай бўламан. Аммо бу узокқа чўзилмайди.

Уйғониб бир нималар сўрайди. Қанини тушунсан. Жаҳли чиқиб болахонадор қилиб сўқади. Ниҳоят бутунлай уйқуси қочиб овқат егиси келиб қолади. “Обкел овқатингни!” — деб бақиради.

Овқатланиши худди молга ўхшайди. Кошиғи кўлидан тушиб кетгач кўпинча овқатни стол устига ағдариб, беш панжалаб оғзига тиқаверади. Караб кўнглим озиб кетади.

Ҳар гал мастилигига бир пайтлар махсус бўлинмада хизмат қилгани эсига тушиб қолади. Атрофиди бошқа одам бўлмагач кўл жангига бўйича маҳоратини мен билан 14 ёшли ўглимга намойиш этади.

Бу сафар ҳам ўглим отасининг зарбалирига амаллаб чидади.

## Жиноятга жазо муқаррар

**X**отини Йўлдошнинг гапидан ҳайрон бўлиб сўради:

— Кечакиши кўриб келдик-ку! Нега яна бугун эрталабдан бормоқчисиз?

— Гапни кўпайтирасдан юравермайсанми! — силтанди Йўлдош. — Кўрдинг-ку, кечакиши отам билан хафалашиб қолдик. Бориб кечирим сўраб, хафаликларини кўнгилларидан чиқарайлар.

— Майли, айтганингиздек бўла қолсин, — рози бўлди хотини.

Ражаб отанинг уйига етиб келишганда Йўлдош хотинига ўғирилиб:

— Сен шу ерда кутиб тур. Аввал мен кириб кўрай-чи. Халиям тўнларини тескари кийиб, шаштларидан тушгудай авзолари бўлмаса, кириб ўтирумайсан. Қайтиб кетаверамиз, — деди.

У дарвозадан ичкарига кирдию, ҳеч қанча вақт ўтмай ховликиб қайтиб чиқди.

— Отам ўлиб қолибдилар. Мен ака-укаларимни чакрай!

Қавм-қариндошлар тез орада тўпланишиди. Улардан ёши улугроғи қараса, қариянинг юзи тилинган, қўллари тирналган. Бўйнида аркон изи қолганини кўриб Йўлдошга юзланди:

— Ражаб ака ўз ажали билан ўлмаганга ўхшайди. Ўзи нимаг? Тўғрисини айт. Сен ҳаммасини биласан. Бўлмаса эрталабдан хотинингни бошлаб келмаган бўлардинг.

Ҳамма ўзига шубҳа билан тикилиб турганини кўрган Йўлдош каловланиб қолди.

Аввалига:

— Ҳовлига кирсам отам ўзларини мана бу арқонга осиб қўйган эканлар, — деб кўрди. Аммо ҳаётда кўпни кўрган айрим қариндошлар бу гапга ишонишмади.

— Яхиси нима бўлганини очик айт. Бўлмаса милиция чақирамиз. Ҳаммасини аниқлади, — дейишиди улар. Шундан сўнг Йўлдош отасини бир кун аввал шу арқон билан бехосдан бўйиб ўлдирганини тан олди.

Ака-укалар ўзаро маслаҳатлашиб:

— Бўлар иш бўлиби. Энди барibir отамизни тирилтириб бўлмайди. Гап шу ерда қолсин. Сен Йўлдош, ҳаммаси бостибости бўлгунча бу ерларда кўринмай тур, — дейишиди...

Кўни-кўшнилар дағн маросимига йигилишганда эл қатори маъракага келган маҳалла посбони Йўлдошнинг йўклигини кўриб: «Бу ерда бир гап бор. Куни кечакиши бинойидек юрган кария тўсатдан ўлиб қолса. Бунинг устига пушти камаридан бўлган ўғли отасини кўмгани келмаса», — деб ичиди гумонга борди. Дарҳол профилактика инспекторига мулоҳазаларини айтди. Уларнинг чакиривига кўрахозир бўлган тергов-тезкор гу-

— Танмаҳрамим бўларми деғанларим афсуски, сенларнинг дастингдан кетиб қолишаётпли!

— Сиз ҳам ёшинизга муносиб иш қилинг-да, ота. Саксонга яқинлашиб қолган бўлсангиз уйланишга бало борми? — ўзини оқлаган бўлди ўғил.

— Нима, қари киши одам эмасми? Маниям иссиқ-совуғимдан хабар оладиган, кирчиримни ювадиган аёл керак-ку!

— Унда кексарофига уйланинг. Ешини бошингизга урасизми

гурмади... Бўйнига ўғлининг арқони келиб тушди...

Йўлдош отасининг мурдасини каравотга ётқизиб қўйди. Ўзи эса ҳеч нарса бўлмагандай уйига қайтиди. Хотинига сир бой бермади.

— Ходимларимиз Беруний ширкатлар уюшмасининг «Ёшлик» бўлимида содир бўлган бу жиноятни иссиғида очишиди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани ИИБ бошлиги, милиция капитани Ойбек Жумабеов. — Хусусан, катта тезкор вакил, милиция майори Маҳсуд Рашидов, тезкор вакил, милиция лейтенанти Қосимбай Батировларнинг синчковлик, тезкорлик билан иш олиб боришгани туфайли қотил ўтмай қўшни тумандан ушлаб келинди.

Тергов чоғида падаркуш ўғил ўзини оқлаш учун:

— Мен отамни кўрқитиб кўймоқчи эдим, холос. Билмасдан қаттиқроқ бўғиб кўйибман, — деди бошини эгиг.

Ё алҳазар! Ота ўш боламидики, фарзанд унни кўрқитмоқчи бўлса. Бунинг устига унга кўл кўтарса. Ҳалқимизда ота-она танланмайди, деган ибратли нақл бор. Улар яхшими-ёмонми, барibir хурматларини жойига кўйиши керак. Чунки шу инсонлар туфайли киши дунёга келади. Улар фарзандини вояга етказади, ўйли-жойли қиласи. Қариган чогида бирор инжик, жаҳлдор, қолаверса ўш болалардек эътиборталаб бўлиб қолиши мумкин. Бунга фарзанд чидаши, ўз бурчини ба жар иб, яхши мумомала қилиши шарт. Улар қандай ного би ил, оқибатсиз инсонларки, 75 ёшли отасини ҳайҳотдей ҳовлида ёлғиз қолдиришса?! Отасининг бўйнига арқон солаётган Йўлдошнинг кўли нега титрамади, узилиб тушмади?! У энди бу ёруғ дунёда қандай боз кўтариб юради?! Бундай гуноҳкорларни ер қандай кўтараркан? Алҳазар, минг бор, алҳазар!

**Мурод ТИЛЛАЕВ.**

**ХИҚМАТ**  
Сулҳ истар кишининг  
кўнглини синдирма,  
Сулҳ эшигин қоқса,  
сен жанг қилма.

моддалари мамлакатимизга четдан олиб кирилаётпли. Юрт бедарвоза, мамлакат эгасиз эмас. Божхона хизмати ва ички ишлар идоралари ходимлари чегарага яқин худудларда назорат масканлари ташкил этиб, юрт тинчлиги, хавфзислигини таъминлаш максадида жамоатчилик билан ҳамкорликда туну кун назорат ташкил этишган. Масканларга хизмат итлари жалб этилиб, мамлакатимизга гиёҳвандлик ҳамда психотроп моддаларнинг кириб келишининг олдини олишга алоҳида ётиб каратиласи.

Тадбир иштирокчилари экин майдонлари, дала ҳовли, томорқаларни ҳам назоратдан ўтказиб, гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний етиштираётганларни фош этишаласи. Учкўрғон тумани Қўғай қишлоғида яшовчи аёл О.Т. 80 туп кўкнор ўсимлигини ўстириётганлиги аниқланди. Тумандоши А. Гавҳар ҳам ундан қолишмас экан. У пиёз орасидаги 35 квадрат метр майдонда кўкнор ўсимлиги етиштираётган эди. Аммо унга ҳам “мехнатнинг роҳатини” кўриш насиб этмади. Наманган шаҳар Кўкон кўчасида яшовчи К. Ф. “Кемпинг” ошхонаси олдида тадбир иштирокчилари томонидан гумонланиб текширилганда, ёнидан қоғозга ўралган 4, 15 грамм марихуана топилди.

Аср вабоси саналган гиёҳвандликка қарши курашиб бир кунлик ёки мавсумий иш эмас. Харидорлари кўпайган сайн ҳамёни қапляётган нопок кимсалар янги мижозлар ахтариб, ёшларни ҳам оғу гирдига тораятилар. Улар туфайли бузилиб кетаётган не-не оиласар, навқирон ёшини ҳазон қилаётган йигитлар ҳар лаҳзада барчани сергаклантириши лозим.


**Д. ТУРҒУНОВА,**  
милиция лейтенанти.

## РИФДОБ

“Қорадори – 2003” тадбирида Наманган вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ҳам иштирок этиб салмоқли натижаларга эришмоқдалар.

Тадбир давомида гиёҳвандлик моддаларини мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний олиб кириш, етиштириш, тарқатиш билан шуғулланадиган шахсларни аниқлаш, тегиши тартибда жавобгарликка тортиш, ёввойи ҳолда ўсаётган таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган экинларни аниқлаш, ийӯ қилиш каби вазифалар бажарилалепти. Гиёҳвандлик моддаларини мунтазам равишда истемол қиладиган шахсларни ҳисобга олиш, махсус муассасаларга ётқизиб, даволаш ва яна соглом турмушга қайтиши чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, тадбир иштирокчилари ўз манфаатини эл-юртницидан устун кўювчи, оғу сотиб пул топаётган нопок кимсаларнинг фаолиятига чек кўйишмоқда. Чуст тумани Гайрат қишлоғида яшовчи О. М. ана шундай шахслар тоифасига киради. У ишламай оғуфурушилк қилиб мўмай даромад топаётган эди. Аммо “кўза кунда эмас, кунида синади” деган мақол мазмун-моҳиятига тушуниб етганида анча кеч бўлди. Боиси, у шу йишининг 2 июнида Чуст шахрида 55 грамм кўкнор бошоқларини мижозга сотаётган вақтда милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Поп туманидаги Тўда қишлоғида яшовчи А. Али ҳам тирикчиликнинг айби йўқ дея, қонун тақиқлаган “савдо-сотик” ишлари билан шуғулланётган эди. У харидор топилганидан бўлиб, марихуана сотаётганида Поп тумани ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди.

Аниқланётган ҳолатлар таҳлили шуни кўрсатмоқда, аксарият ҳолларда гиёҳвандлик



руҳи қисқа вақт ичидан воқеанинг тагига етди.

Воқеа аслида қўйидагича бўлган эди. Бир кун олдин Йўлдош хотини, бола-чақасини олиб отасини кўргани борди. Беш ўғлини ўйлантириб, уйлижили қилган Ражаб ота кампипи қазо қилгандан бўён мана беш йилдирки, ёлғиз яшарди. Уйланиши ниятида уйига бошлаб келган боши очик аёллар ҳам кўп турмай кетиб қолаверишиди. Бунга ўзининг феъл-автори сабаби ёки болаларининг оқибатлизигими — бир нарса дейиш кўйин. Фарзандлари ичидан кўпроқ ҳолидан хабар оладигани Йўлдош эди. Аммо ҳар гал аёллар кетиб қолавергач, уларни шу ўғлим айнитаятиёв, деган гумонга борди. Шу топда тўлиб турган эканми, Йўлдошга ичидагини тўкиб солди:

элга кулгу бўлиб.

— Бу гапларинг бир баҳона, — туақди қария. — Аслида уйимга бирор инжик чиқишидан қўрқасанлар. Ҳаммаларнинг уйли-жойли қилдим, барibir кам санларга.

Йўлдош отаси ичидагини топгани учунни ёки аксинча, куруқ тұхмат алам қилими бакири берди. Охири Ражаб ота ўғлини олдига солгудай қилиб ўйдаб юборди.

Ҳадеганда Йўлдошнинг ала-ми тарқалмади. У ярим тунга яқин отасининг уйига келди. Молхона устунига илиб кўйилган арқонни олиб хонага кирди. Қараса, Ражаб ота телевизор кўриб ўтириби.

— Ота, нега бугун мени сўкиб, кўнглини оғритеңгиз? — сўради у овози титраб.

Қария жавоб қайтишига ул-

текширувдан ўтказишига унади. Вилоят бўйича “Тутиш” тадбири эълон қилиниб, ҳамма жойда постлар ташкил килинди.

Марғилон шаҳар марказида хизмат бурчини ўтказиб ЙПХ инспектори, милиция сержантини Акмал Маматқулов очишил рангли машинани тўхтатмоқчи бўлди. Аммо ҳайдовчи инспектор буйруғига итоат этмай тезликни янада ошириб, ўналишини ўзгашибириб, қоча бошлади. Лекин инспектор А. Маматқулов анойилардан эмасди, кўп ўтмай қочоқни тутишга муваффақ бўлди.

Шаҳар ЙХХ бошқармасига олиб келганди машина назоратдан ўтказилганда унинг остиқи қисмининг ҳар жойидан қон излари топилди. Мутахассислар машинадаги бу ашёвий далиллар Навоий қўчасида автоҳалолат оқибатида ҳалок бўлган кишига тегиши эланлигини тасдиқлашди. Шундай қилиб бу жиноят ўн соат ичидан очилди.

**М. КИМСАНБОЕВ.**

ридан ўтган машиналар рўйхати текширилиб қилиди. Бир нечта юк машинаси Куба томонга кетган экан.

Вилоят ЙХХ бошқармасидаги авто-транспортлар рўйхатидаги машиналар ва эгаларининг манзиллари бирмабир аниқланда бошланди. Воқеа жойига вилоят ЙХХ бошқармаси отряд бошлиғи Ҳалимжон Дехқонов, Бошқарма қидирив-суринширив гурухи катта инспектори, милиция майори Олимжон Абдуназаров катта инспектори, милиция капитани Собиржон Мамадалиев ва бошқармасидаги етиб келишди.

Ҳалокатга машина бўёғидан кўчган тирноқдеккина парчаю, синган пластмасса хомут аниқлик кириди. Хомут “Нексия” автомашинаси тегиши бўлиб, бўёғ эса оч яшил рангда эди. Бу эса шу рангдаги машиналарни

Тошкент шаҳар ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ Ўкув маркази бошлиғи, милиция полковники **Комилхон ТУРСУНОВнинг** фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент шаҳар ИИБ Ўкув маркази бошлиғи, милиция полковники **Комилхон ТУРСУНОВнинг** фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Юнусобод тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти **Х. Курбановга** онаси

**Каромат ҚУРБАНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.</

## Дам олиш саҳифаси

## КРОССЧАЙНВОРД

1. Тортишув, мунозара. 2. Тонг шабадаси. 3. «Отанг боласи бўлма, ... боласи бўл». 4. Тайёргарлик машгулоти. 5. Сувда сузиб юрадиган кичкина транспорт воситаси. 6. Ерга энг яқин жойлашган юлдуз. 7. Бирор иш-харакатни бажариш учун фавкулодда интилиш. 8. «Бир туп... эксанг, бир туп тол эк» (мақол). 9. Эквадор пойтахти. 10. Бўсаға. 11. Германиянг шимолий кисмидаги дарё. 12. Сўз санъати. 13. Бал ракси. 14. Топишмоқ: «Тўрт оёкли, темир түёкли». 15. Хитойдаги дарё. 16. Қашқадарё вилоятидаги шаҳар. 17. Елка. 18. Субҳидам. 19. Оммави ахборот воситаларидан бири. 20. Қадимги давр ва ўрта аср Шарқ шахарларининг хукумати жойлашган ўрда. 21. Нижол. 22. Бинонинг энг устки қисми. 23. Машхур француз киноак-

тёри. 24. Бадий асарда воқеаларнинг ниҳояси, ҳал бўлиши. 25. Донли экин. 26. Чирок ўчиб қолса, нима аскотади? 27. «Узун бўйли, Қора тўнли» (топишмоқ). 28. «... – инсоният гавҳаридир». 29. Сайроки куш. 30. Нима ёшда эмас, бошда? 31. Суюқлик ўлчов бирилиги. 32. Топишмоқ: «Ер тагида қизил юлгун». 33. Дуқакли ўсимлик. 34. Олтин. 35. Ҳалқ ҳикматларидан: «Салом ҳам фарз, ... ҳам фарз».

**Агар шакла топиб ёзилган жавоб сўзларнинг ҳаммаси тўғри бўлса, кроссчайнворднинг доирачалар чизилган хоналарида таникли ўзбек шоири Пўлат Мўмин қаламига мансуб шеърларидан бирининг икки мисрасини ўқийсиз.**


Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.

## ЎТГАН СОНДАГИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

## Диагоналлар бўйича:

1. «Сегоҳ». 2. Декан. 3. Турон. 4. Мувозанат. 5. Бобур. 6. Похол. 7. Лабиҳовуз. 8. Жануб. 9. Зирақ. 10. Кизил. 11. Қалам. 12. Майор. 13. Какку. 14. Мурод. 15. Икром. 16. Мотор. 17. Конибодом. 18. «Донишнома». 19. Китоб. 20. Лимит. 21. Тоифи. 22. Иоффе. 23. Улкан. 24. Илҳом. 25. Агами. 26. Агарар. 27. «Инсон». 28. Чинор.

Топширикда:  
Хунар ила билим – мулкдир.



Болаликнинг баҳтили онлари

А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

## ХАЗИНА ТОПГАНГА МУКОФОТ

Эшитишимча, топиб олинган хазина давлатга топширилса, мукофот тўланар эмиш. Шу ҳақда билмоқчи эдим?

С. ОДИЛОВ,  
Фарғона шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб кўйилган. Бундай хазина ер участкаси, иморат эгаси бўлган шахс мулкига тенг улушларда ўтади (агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача тартиб белгиланган бўлmasa).

Хазина у яшириб кўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгасининг розилигисиз қазилма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс томонидан топпилган бўлса, бу хазина у топпилган ҳудуднинг ёки бошқа мол-мулкнинг эгасига топширилиши лозим.

Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига кирадиган ашёлардан иборат хазина топпилган ҳолатда, улар давлат мулкига топширилиши керак. Бунда хазина яшириб кўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулкнинг эгаси ва хазинани топган шахс биргаликда хазина кийматининг эллик фоизи, микдорида мукофот олиш ҳуқуқига эга бўлишади. Агар улар ўртасидаги келишувда бошқача тартиб белгиланган бўлmasa, мукофот бу шахслар ўртасида тенг улушларда тақсимланади.

Бундай хазинани у яшириб кўйилган мол-мулк эгасининг розилигисиз қазилма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс топиб олса, бу шахсга мукофот тўланмайди ва хазина батамом мулкдорнинг ихтиёрига ўтади.

## БИЗДА ҲАМ ФУРУР ҶОР

(Ҳажвия)

Кечаси уйга ширакайф кириб келганимда, “намунич?” дейа хушламай эшик очган хотиним кўргач, вақт алламаҳал бўлиб қолганини пайкаргандек бўлдим. У совуқ қарангани учун “Овқатни иситайми?” дегани ҳам қулогимга дагал эшитилди.

– “Емайман”, – дедим кескин оҳангда. Ахир қорин оч бўлса-да, бизда ҳам фурур бор. Хотиним хўмрайганча ётоқка кириб кетди. Мен эса секин залга ўтиб, диванта ёнбошладим. Ҳадеганда уйқу келавермади. Ногаҳон хотинимнинг стол устида турган сумкасига кўзим тушди. Шартта кўлимга олиб, ялтироқ тутмачасини тортидим – “чиқ” этиб очилди. Сумка кичкинагина бўлса-да, дунёнинг “хазинаси” бор эди унда: узилган тутмачалармий, паттачидан қайтган эски-туски уч сўмлик, беш сўмликлармий-еъ... Бирдан улар орасида яп-янги, бежиримгина хужжатни кўриб қолдим. Қизиқ буниси нима экан? Ия, ёзувлари инглизча-ку. Орасида кўлда ёзилган ўзбекчasi ҳам бор экан. Шошиб ўқидим – хотинимнинг исм-шарифи дона-дона қилиб ёзилган. Ёнида эса чет эл машинаси русумининг номи, сотилган куни ва ҳатто рақамигача қайд этилган. Бунга бир ой бўлай, деб қолипти. Охирида қандайдир

менсимаса, анави биридан ширин учбидай болаларнинг ҳурмати учун бир оғиз сўрамайдими?

Нафратдан соchlарим тикка бўлиб, вужудим газаб ўтида ёнди. Хотиним минг куйиб, минг суйиб олган хотиним кўзимга ялмогиз кампирданда хунук кўриниб кетди. Даст кўтарилиб балконга чиқдимда, бирор кунимга яраб қолар, деб эски-тускиларнинг ичига яшириб кўйган, шишада қолган юз грамм ароқни газаксиз уриб юбордим. Шундан сўнг сал ўзимга келдим, вужудими нафрат ўрнини хўрлик эгалади. Йўқ, йўқ, бу ҳурматсизликка мен эмас, қўшнимнинг мушуги ҳам чидал олмайди, ҳозироқ орани очик қилиш керак!

Шартта ўрнимдан турдиму паркет полни гичирлатиб, битта-битта босганча ётоқка кириб бордим.

– Тур, ўрнингдан, – дедим бақириб. – Гап бор!

– Қанақа гап, бемаҳалда, – хотиним ёқимсиз тўнгиллади, – ярим тунда маст-аласт келганингиз етмай. Эртага гаплашармиз.

– Тур, деялман сенга, – хунобим ошиб баттар ўшқирдим! – Ҳозир айтаман! Иссигида! Айни пайти! Эртага кеч бўлади! Ахир менда ҳам ўзимга яраша гурур бор.

Залга чиқиб диванга оғир чўқдим. Ортимдан юз-кўзларидан минг ҳадик билан хотиним кириб келди.

– Мен сенга кимман? – ўшқирдим унга қараб. – Айт! – Болаларимнинг отаси. – Яна-чи? – Эримсиз.

– Буни ҳар ҳолда унутмабсан, ўзбошимча.

– Вой, нима қипман?

– Тагин сўрайди-я. Одам деган бир иш қилса, аввало, эри билан маслаҳат қилиши керакми? Керак. Сен эса мосин олганингта бир ой бўлибдино менга – эрингга бир оғиз айтмабсан, номард! Одам деган ҳам шунақа бўладими? – деда шаҳд билан ўрнимдан туриб кетдим.

Хотиним шундагина бир нарсан тушунгандек, дам стол устидаги очик-сочик ётган сумкасига, дам унинг ёнидаги машина ҳужжатига қараб кулиб юборди.

– Вой ўлмасам, хаёл қурсин, айтиш эсимдан чиқиби. Уми? Ахир у – немисларнинг “Пфафф-Зингер” тикув машинаси-ку?

Дивандан қандай шаҳд билан турган бўлсан, шундай ўтириб қолдим. На кулишини, на йиглашни биламан. Кечирим сўрайин десам... Ахир бизда ҳам фурур бор.

– Ўлганингиз яхши бу кунингиздан... Ҳурмачанлизга сиққанини ичсангиз бўлмасми? Яна гурури бор эмиш...

Адҳам ДАМИНОВ.

Bosh muharrir  
Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir o'rinosari v.b.  
**Murod TILLAYEV**  
Mas'ul kотиб  
R. BERDIYEV

Navbatchi  
**S. SHAMSIDDINOV**

Sahifalovchi  
**Z. BOLTAYEV**

Musahhih  
**G. XOLIQOVA**

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir o'rinosari 139-75-69.  
Kotibiyat 59-20-96.  
muxbirlar bo'limi 139-75-69.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 132-05-51.

E-mail:  
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001,  
MFO 00421.  
«Ipak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat  
bankining Mirzo  
Ulug'bek bo'limi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot  
qo'mitasida **00007** raqam bilan ro'yhatga olingan  
Buyurtma Г – 579. Hajmi – 4 bosma taboq.  
Bosilish – ofset usulida. 44390 nusxada chop etildi.

• Ko'chirib bosishda  
«Postda» dan olinganligini  
ko'rsatish shart  
• Muallifning mulohazasi  
tahririyat fikriga mos  
tushmasligi mumkin.  
• Qo'lyozmalar tahlil  
qilinmaydi va  
qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:  
Yakka tarlibda – 180  
Tashkilotlar uchun – 366  
Gazeta haftaning payshanba  
kunlari chiqadi.  
Bosishga topshirish vaqt – 20.00.  
Bosishga topshirildi – 20.00.  
-SHARQ:  
nashriyot-matbaa aksiyadorlik  
kompaniyasi bosmaxonasi  
chop etildi.

Korxona manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi  
41-uy.  
1, 2, 3, 4, 5, 6.